O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✡ 2000 йил, 26 май, № 19 (254) ✡ Жума кунлари чиқади ✡ Сотувда эркин нархда

● Иқтисодиётни эркинлаштириш деганда биз нимани назарда тутмоқдамиз?

Бу, аввало, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш.

Бугун хусусий тадбиркорларнинг ўзига жуда қийинчилик билан йўл очаётгани, бозордан ўз ўрнини эгаллашда аксарият ҳолларда давлат идораларидаги амалдорлар ва бюрократларнинг лоқайдлигига дуч келаётгани бизни ташвишлантиради.

Ислом КАРИМОВ.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси тўғрисидаги АХБОРОТ

25 май куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси бошланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, элчилар ва хорижий давлатлар дипломатик корпуси вакиллари, чет эл ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи – котибиятни ташкил этди ва кун тартибини тасдиқлади.

Сўнгра Олий Мажлис Раиси Э.Халилов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятидаги устувор жиҳатлари тўғрисида маъруза қилди.

Маърузачи Президент Ислом Каримов томонидан олға сурилган мамлакатимизни янги аср бўсағасида ва' бошларида ривожлантиришнинг стратегик дастури мустаҳкам ҳуқуқий асосни тақозо этишини таъкидлаб ўтди. Миллий қонунчилик яқин йилларда жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини янада эркинлаштириш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит ҳамда кафолатлар яратишга йўналтирилган ҳолда тараққий этади. Шу муносабат билан Олий Мажлис фаолиятининг истиқбол дастурида нафақат янги қонунлар қабул қилиш, балки реал вазиятни ва амалиётни ҳисобга олган ҳолда мавжуд қонунларни такомиллаштириш кўзда тутилган. Айни пайтда, парламент, аввалгидек, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг ижросига, жойларда уларнинг қўлланишини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилишга катта эътибор беради.

Парламент депутатлари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари парламентнинг сессияда кўрилаётган 2000-2002 йилларга мўлжалланган фаолиятининг устувор йўналишларини ўзида ифода қилувчи мазкур ҳужжатнинг муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Шу муносабат билан Президент белгиланаётган тадбирларни амалга оширишда, умуман, қонунчилик жараёнида депутатлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг фаол иштироки муҳим ўрин тутишини қайд этди. Халқ депутатлари ўз мақсад ва вазифаларини аниқ тасаввур этиши, қабул қилинаётган қонунларда ҳар доим сайловчилар фикрини ҳисобга олиши ва ҳимоя қилиши лозим. Сиёсий партиялар фаолият дастурларини янада аниқ режалаштириб олиши ҳамда уни қонунчилик йўли билан изчил амалга оширишга эришиши керак. Улар олдида турган мақсад ягона, бироқ бу мақсадга эришиш йўллари турлича бўлиши мумкин.

Президент, шунингдек, қонунчилик фаолияти механизмини энг яхши хорижий парламентаризм тажрибасини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш муҳимлигини қайд этди. Бунинг учун, энг аввало, ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва кўриб чиқишнинг янада такомиллашган тартибини ишлаб чиқиш зарур. Энг муҳим қонун лойиҳалари бир неча бор қайта кўриб чиқилганидан сўнг қабул қилиниши лозим. Ислом Каримов парламент ишини такомиллаштириш зарурати тўғрисида гапирар экан, келажакда икки палатали қонун чиқарувчи орган тузишни таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат мудофаа қудратини янада юксалтириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа масалаларига тухталиб ўтди.

Депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворлик жиҳатлари тўғрисида»ги ҳужжатни тасдиқлади.

Молия вазири Р.Азимов депутатларга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йилдаги ва 2000 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида ҳисобот берди. Бу масала бўйича парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Сессияда мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан Ширин шаҳри ҳокими И.Эрбеков, Фарғонадаги «Нефткимёмонтаж» трести бошлиғи Р.Жалилов, «Билдинг-технолоджиз» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси бош директори С.Ким, Тошкент Давлат аграр университетининг «Эконометрия ва информатика» кафедраси мудири А.Абдурахимов сўзга чиқди. Парламент Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йилдаги ҳамда 2000 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев депутатлар эътиборига «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ҳавола қилди. Ушбу масала юзасидан «Ўзтадбиркорбанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси С.Қамбаров сўзга чиқди.

Олий Мажлиснинг кечки йиғилишида депутатлар «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамасини давом эттирди. Бу масала юзасидан Шаҳрихон шаҳридаги «Ривож» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси бош директори К.Отахонов, «Виртекс» Ўзбекистон-Россия-Америка қўшма корхонаси бошқаруви раиси Б.Обидов, Бойсун тумани ҳокими Т.Ҳамроев сўзга чиқди. Қонун депутатлар томонидан қабул қилинди.

Шундан сўнг Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Қ.Иўлдошев «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида Андижон шаҳри ҳокими А.Собиров, Чортоқ тумани ҳокими Б.Ҳайдаров, Қашқадарёдаги «Дон – халқ ризқи» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Темиров, «Бухоротурист» акциядорлик жамияти раиси М.Зокиров қатнашди. Парламент Қонунни қабул қилди.

«Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Қ.Жумабеков сессия муҳокамасига тақдим этди. Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раисининг ўринбосари И.Жураев, «СамКочавто» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси директори С.Уроқов, Элликқалъа тумани ҳокими Н.Худайбергенов, Хатирчи тумани ҳокими Э.Турдимов, «Фарғонаазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А.Абдуллаев чиқишларидан сўнг бу Қонун ҳам қабул қилинди.

Шундан сўнг парламент Олий Мажлиснинг Фидокорлар Миллий демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциясинг рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси давом этмоқда.

Партия ва ҳаёт

СУСТКАШЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

Газетхонларга яхши маълумки, шу йилнинг февраль ойида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг II Пленуми бўлиб ўтган эди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги давлат ва жамият қурилишининг бош мақсад ва вазифаларини белгилаб берган «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» маърузасининг асосий ҳолатларини муҳокама қилиниб, сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, кўппартиявийлик муҳитини қарор топтириш, жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш, одамларимиз онгида демократик қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, миллий қадриятларни тиклаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш каби масалаларни ҳал этиш нафақат давлат тузимлалари, балки Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг ҳам асосий вазифаси деб таъкидлаб ўтилди.

Пленум қарорларида барча имкониятларни сафарбар қилиб, партия аъзолари ва фуқароларни сиёсий фаолиятини ошириш, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, партиянинг барча бўғинларида ташкилий ишларни кучайтириш ва унинг сафларига ҳалол, ишбилармон, ташаббускор, маънвий етук фуқароларни жалб этиш белгиланган эди.

Фарғона, Андижон, Тошкент вилояти партия Кенгашлари қўйилган вазифаларни тўғри тушуниб, фуқаролар орасида партия мақсад ва маслакларини тарғибот қилиш, уни обрў-эътиборини ошириш, жамиятимиз ҳаётига ижтимоий адолат тамойилларини жорий этиш борасида бир қатор хайрли тадбирларни амалга оширдилар, партия сафларини сиёсий ва маънавий жиҳатдан етук фуқаролар билан тўлдирдилар.

Шу билан бирга, Самарқанд ва Навоий вилоят Кенгашлари ташкилий-партиявий ишларни бутунлай ташлаб қўйдилар десак, муболаға бўлмайди. Улар нафақат аъзолар рўйхатини юритиш, туман кенгашларини ишини йўналтириш у ёқда турсин, ҳатто вилоят партия Кенгаши мажлисларини ҳам чақирмай қўйдилар.

Сайловларда фаоллик кўрсатган Тошкент шаҳри, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгашлари ҳам ташкилий-партиявий ва тарғибот-ташвиқот ишларни сусайтириб юбордилар.

Қайд этилган партия ташкилотлари фаолиятидаги лоқайдлик ва сусткашлик сайловлар жараёнида партиямиз сафларига кирган аъзоларнинг маълум қисмини партиядан четлашиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Агар бу жараённинг олди олинмаса, партия мавқеига, обрў-эътиборига путур етиши мумкин.

Шу сабабли ҳам, барча бўғиндаги партия фаоллари, партиянинг «Адолат» номга муносиб бўлиб, халқимиз олдида масъулиятни ҳис этиб ташкилий ва тарғибот соҳадаги ишларни жонлантиришлари, тарафдорлар, адолат учун курашувчилар сонини кўпайтириш учун куч-қувватларини аямасликлари лозим.

Албатта, бу камчиликлар партия Сиёсий Кенгаши диққат – эътиборидан четда қолгани йўқ. Шу йилнинг июль ойида «Адолат» СДП партия ташкилотларида ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш масаласига бағишланган Сиёсий Кенгаш Пленумини чақириш режалаштирилди. Жойларда амалий ёрдам кўрсатиш ва оддий партия аъзолари таклифларини ўрганиб чиқиш учун Сиёсий Кенгаш Риёсати аъзоларини сафарбар этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Ўйлаймизки, кўрилаётган чора-тадбирлар партиянинг фаол аъзолари ва тарафдорлари ёрдамида партиямиз фаолиятини янада кучайтиришга, қўйилган вазифаларни самарали бажаришга имкон беради.

Равшан ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши котиби.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди...

«МУҲРИНГИЗНИ ҚИЗҒАНМАНГ, ТЎРАМ...»

ёки тадбиркорга йўл бермаётган, унинг қонуний ҳуқуқларини менсимай сарсон қилаётган мансабдорлар хусусида

Ёрдам сўраб келган тадбиркордан пул талаб қилишди. Ва унга шу пулни берсамангиз қонуний ҳақ-ҳуқуқларингиз инобатга олинмайди деб тушунтирилди.

Ана, холос. «Амалдор»нинг томоғини мойламаса иши битмаслигига кўзи етган тадбиркор ноилож 25 минг сўмни санаб берди. Кейин билса фирибгарга учраган экан. Ким дейсизми?...

Тойлоқ туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси қошидаги «Ахборот-маслаҳат маркази» директори Мансур Иброҳимов! У фуқаро Ҳаловат Исмоиловадан шу йил 24 январда хусусий тадбиркорлик ҳужжатларини ўзим рўйхатдан ўтказиб, расмийлаштириб бераман, деб «хизмат ҳақи»ни олди-ю, соддадил кишини алдаб юраверади. Ниҳоят, беш ой беҳуда кутишлардан сўнг бўлгуси тадбиркор қонун органларига мурожаат қилади. Тойлоқ туман прокуратураси 16 май куни фуқаро М. Иброҳимовга нисбатан жиноий иш қўзғатди.

Афсуски, бундай ҳолатлар якка-ягона эмас. Тадбиркорлар ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини менсимаслик, манфаатларига хилоф иш тутиш, имтиёзлардан фойдаланишга тўсқинлик қилиш ҳануз давом этмоқда. Баъзан очиқдан-очиқ таъмагирлик, расмиятчилик, турачилик ҳолатларига дуч келинмоқдаки, тадбиркор, мулкдорларнинг прокуратурадан ҳимоя сўрашидан ўзга чоралари қолмаяпти.

Самарқанд вилоятида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш кичик ва ўрта бизнес корхоналари, деҳқон, фермер хўжаликларининг ўрни катта. Бугун вилоятда 21 минг 662 та шундай мустақил субъект, яъни кичик ва ўрта бизнес корхонаси, 4701 та фермер, 36149 та деҳқон хўжалиги фаолият юритмоқда. Биргина фермерлар жорий йилда 29 минг 146 тонна ғалла, 32 минг 946 тонна пахта топшири бўйича шартнома имзолашган. Демак, уларнинг ислоҳотлар жараёнига қўшадиган саъй-ҳаракатлари муносиб қўллаб-қувватланиши керак. Амалдачи?

Вилоятдаги тижорат банклари, «Бизнес-фонд», деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғармалар томонидан хўжалик субъектлари, тадбиркорларга ўтган даврда 4 миллиард 345 миллион 884,8 минг сўмлик кредитлар берилган. Шундан очиқ турдаги «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди» орқали 40 миллион 807 минг сўмлик кредит ва микрокредит маблағлари берилиши таъминланган. 12 та лойиҳа бўйича 26 миллион сўмлик микрокредитлар ажратилиб, ишсиз аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлашга муваффақ бўлинган.

Бироқ, кредит берилиши талаб ва эҳтиёж даражасида бўлмайди. Вилоят деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбарларининг совуққонликлари туфайли беш ой мобайнида бирорта фермер кредит ололмаган.

Гап фақат кредит масаласида эмас.

Вилоят прокуратураси органлари тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси ҳамда кичик ва ўрта бизнесни фаолиятига ноқонуний аралашиш билан боғлиқ ҳар битта салбий ҳолатга ўз вақтида тегишли баҳо беришга интилиб келмоқдалар. Хусусан, 1999 йилда бу борадаги қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш бўйича тегишли идораларга 23 та тақдимнома, 14 та амрнома киритилди. 50 нафар мансабдор ходимга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарли тўғрисида иш қўзғатилди. 50 дан ортиқ ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар прокурорлар протестига кўра қонунга мослаштирилган. Шунга қарамай...

Мулкчиликни ривожлантиришга масъул бўлган туман ҳокимликларининг ўзлари тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишда қонунбузарликка йўл қўйишмоқда. Деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳуқуқларини поймол этиб, уларга ер ажратиш, амалий ёрдам кўрсатишда лоқайдликка, масъулиятсизликка йўл қўйишмоқда.

Иштихон туман ҳокимининг қарори билан «Ал-Ҳолмурод» фермер хўжалигига 10 гектар ер ажратилган бўлса-да, амалда бу қарорнинг ижросини таъминлаш керак бўлган Мурод Жураев номли жамоа хўжалиги раҳбарлари фермерга 3,5 гектардан ортиқ ерни равон кўришмаган. Шугина эмас. Хўжалик бошқаруви «Жаҳонгир — Раҳмат» фермер хўжалигига 2 гектар, «Маргумон» фермер хўжалигига 1 гектар, «Муҳаммадкарим» фермерларига 9 гектар ва «Янгилик» фермерларига ҳам 5 гектардан ерни ҳоким қарорида белгиланганидан кам ажратган.

Демак, ҳоким қарор қабул қилаверган. Ижроси билан қизиқмаган. Натижада туман ҳокимлигига қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича тақдимнома киритилди. М. Жураев номли хўжалик бошқаруви раиси ва бош ҳисобот лавозимларидан четлатилди. Фермерлардан чегириб қолинган ер майдонлари уларга қайтарилди.

Ҳокимнинг дастидан дод, дегувчилар Пойариқ туманида ҳам оз эмас. Қарангки, ҳоким 1999 йил 8 июндаги қарори билан бир йўла 2 та — «Шерали» ва «Балиқчи» хўжаликларини тугатиб юборибди. Лекин туман прокуратураси қонунга зид бўлган қарорни бекор қилиш ҳақида протест киритгач, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Челак туманида тадбиркорларнинг аризаларига лоқайдлик билан қараш, отангга бор, онангга бор қабилидаги оворагарчиликлар газак олиб кетган. Туман ҳокимлигидаги масъул шахсларнинг айби билан ўтган 1999 йилда 33 та деҳқон ва фермер хўжалиги тузилмай қолган. Ҳокимнинг биринчи ўринбосари Э. Ярлоқбоев фуқаро Н. Муҳаммадиевнинг фермер хўжалиги очиш ҳақидаги аризасини ҳал этмай эгасига қайтарган.

Худди шунингдек, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг масъул ходими З. Зоиров томонидан 11та, ҳокимлик котибият бўлими бошлиғи Б. Қушоқов томонидан 8 та фермер хўжалиги ташкил этиш ҳақидаги аризалар белгиланган муддатларда кўриб чиқилмаган.

Ҳарқалай прокуратура аралашувидан сўнг ҳақиқат қарор топди.

Ишбилармон тадбиркорларнинг молиявий фаолиятларига аралашиш, бу борада уларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйиш билан ҳам сира муроса қилиб бўлмайди. Ғузалкент туманида эса бунинг аксича иш тутилмоқда. Бу ерда 50 та фермер хўжалигига банкда ҳисоб рақамини очишга рухсат берилмаганлиги аниқланди. Нега, фермер бировларга қарам бўлиб юриш учунми?

Қонун асосида тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганларга тегишли идоралар ёрдам кўрсатиши шарт. Бироқ, Ургут туманида 90 та фермер хўжалиги рўйхатга олинибди-ю, уларнинг 75 таси солиқ идорасида, 63 таси статистика бўлимида қайд этилибди, холос. Ер ресурслари хизмати бузилиши эса 90 фермердан 39 тасига ерга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома берган.

Фермернинг жон қойитиб топган нонига текин шерик бўлаётганлар-чи? Қўшработ туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Х. Эсирганов ана шундай олғир кишилардан экан. У жаноб ваколатини суиистеъмол қилиб деҳқон хўжаликлари томонидан топширилган ғалла учун тушган 1 миллион 225 минг сўм маблағни уларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига атайлаб кўчирмаган. 899 минг сўмни уюшма ҳисобида ушлаган, 152 минг сўмни аъзолик бадали учун вилоят уюшмасига, 450 минг сўмни ёнилғи-мойлаш маҳсулотларига, 81,3 минг сўмни ем харид қилишга, 35,8 минг сўмини бошқа шу каби эҳтиёжларга сарфлаб юборган. Ва деҳқон хўжаликлари манфаатларига кўп миқдорда зарар етказган.

Бугун тадбиркор ортиқча ноқонуний текшир-текширлардан ҳоли бўлиши, эркин фаолият кўрсатиши керак. Бироқ, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонун талабларини тўлиқ равишда бузиш ҳоллари ҳам учрамоқда.

Хусусан, вилоят давлат солиқ бошқармаси раҳбарлари ва масъул ходимларининг хизмат вазифаларига масъулиятсизликлари оқибатида режада белгиланган текширишлар ўрнига режасиз текширишлар кўпайганлиги аниқланди. Фақатгина ўтган йили бир неча солиқчига нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Вилоят давлат солиқ бошқармасига киритилган тақдимномага асосан 13 та туман ва шаҳар солиқ инспекцияси бошлиқлари, 1 нафар бошқарманинг бўлим бошлиғи интизомий жавобгарликка тортилди. Бу солиқчиларни ҳалол-покиза ишлашга даъват, этагингни вақтида ёпиб ол дейиш эмасми!

Қонун тадбиркорлар, мулкдорлар томонида. Уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини камситиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатга яраша жазо бор. Вилоят қоракўлчилик акциядорлик бирлашмаси раиси С. Қаршиев ва бош ҳисобчи Н. Қоржавовларга ўзбошимчалик қимматга тушди. Улар бирлашма қошидаги «Руно» фирмасининг 500 минг сўмлик Низом жамғармасини кўчириб бермасдан, мустақил корхонанинг 200 минг сўмлик компьютерини эгаллаб олишган. Фирма ҳисобидан 129 минг сўмга уяли телефон ускунасини сотиб олишган. Ҳозир мазкур ҳолат бўйича ҳар иккала мансабдорларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

Алқисса шу: тадбиркорга ниятини амалга оширишда холис мададкор бўлайлик. Унинг гарданига ортиқча юк ортмайлик. Мансабдорнинг таъмагирлиги, кибру ҳавоси, унинг ўз обрўйига путур етказади. Қонун ҳам бундайларни кечирмайди.

Шомирза ХУДОЙҚУЛОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи.
Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

Қонун — тадбиркор ҳимоясида

● Хитой ҳукумати АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг қароридан мамнуният билдирди. АҚШ парламентининг қуйи палатаси мамлакатнинг Хитой билан муносабатларини яхшилаш тўғрисидаги қонунни маъқуллади. Шундай қилиб, энди юқори палата — Сенат ҳам қонунни маъқулласа, Хитой билан савдо-сотиқ муносабатларида юзага келган баҳс-мунозарага чек қўйилади.

● **Хитой товарларининг АҚШ бозорига кириши маълум даражада чекланган эди. Чунки, сифат жиҳатидан қолишмайдиган, лекин нархи анча арзон бўлган бу товарлар маҳаллий маҳсулотларни четга суриб қўйиши мумкин. Лекин Хитой товарлари импортининг чекланиши АҚШ товарларининг Хитойга экспорти чекланишига ҳам олиб келмоқда эди.**

● НАТОга аъзо мамлакатлар Ташқи ишлар вазирларининг Флоренцияда бўлаётган учрашувида АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт Югославия Ташқи ишлар вазири Драголюб Ойданични қабул қилгани учун Россия ҳукуматига норозилик билдирди. Оқ уй бу шахсни ҳарбий жиноятлар содир этганликда айблаб келади. Анжуманда қатнашаётган Россия Ташқи ишлар вазири Игорь Иванов Югославия Ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг Москвага ташрифи англашилмовчилик туфайли амалга ошганини, бунинг сабаблари Ҳарбий жиноятлар бўйича халқаро трибуналга баён этилганини ва шу билан мазкур масалага нуқта қўйилганини айтди.

● **Буюк Британия ҳукумати сўнгги кунларда Зимбабведа юз бераётган ўзгаришлардан жиддий ташвиш билдирди. Гап шундаки, ўтган куни бу мамлакатда оқ танли фермерларнинг хўжаликларини зўрлик билан ва айни пайтда эвазига ҳеч нарса бермай эгаллаб олишга қаратилган қонун кучга кирди. Эндиликда Зимбабве озодлиги учун курашган уруш фахрийлари оқ танлиларнинг ерларига бемалол хўжайинлик қилиши мумкин. Бу эса мингга яқин фермернинг хонавайрон бўлишига олиб келади.**

● Сьерра-Леонеда вазият ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Куни-кеча исёнчилар ҳукумат қўшинларига қарашли бўлинмани пистирмага туширди. Натижада кўплаб ҳарбийлар ҳалок бўлди. БМТ вакиллари қурбонлар орасида икки нафар хорижлик журналист ҳам борлигини айтди. Кейинроқ эса бу журналистлар АҚШ ва Испания фуқаролари бўлганлиги аниқланди.

● «Энг улуғ, энг азиз» танловига»

● Туркум

ЮРТНИ АРДОҚЛАСАНГ, АРДОҚЛАЙДИ ЮРТ

4. БАХТ КАЛИТИ

Тақдирни қўл билан яратур одам,
Ғойибдан келажак бахт бир афсона.
Ғафур ҒУЛОМ.

... Эзгу мақсадлар учун курашлар силсиласида тараққий этадиган ҳаётнинг ўзи ҳақиқат учун жон куйдирадиганларни ҳам яратиб, вояга етказаркан. Барчамиз учун анчамунча оғир бўлган «ўтиш даври»нинг дастлабки йилларида ҳам ташаббусни қўлга олганлар кам эмасди.

Қибрай туманидаги ночор аҳволга тушиб қолган чорва фермасини сақлаб қолиш масаласи кўндаланг бўлганида шу хўжаликда узоқ йиллардан буён таъминотчилик вазифасида фаолият кўрсатиб келаётган Абдужаббор Нурматов ташаббус билан чиққанди. 1994 йил ёзида хўжалик сут-товар фермасини сотиб олган. Албатта, мамлакатимизнинг амалдаги қонунларига биноан бу тадбиркор ҳам анча-мунча имтиёзлардан фойдаланганди. Янги фермер хўжалиги вужудга келиши, оёққа туриб олиши учун унга қонунлар қалқон бўлди. Туман раҳбарлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашди. Хуллас, «Малик» хусусий фирмаси шу тариқа пайдо бўлди.

Ишни деворлари нураб кетган ферма биносини таъмирлашдан бошладилар. Эскини ямагунча эсинг кетади, деганларидек, таъмир ишлари осон кечмади. Биратўла қорамолларни суғориш, ем бериш, тагини тозалашга ихтисослаштирилган мосламалар ҳам ўрнатилди. Қишнинг қора совуғидан, ёз жазирамасидан омон сақлайдиган иссиқ хоналару, шамолгай айвонларда жониворлар кўнгилдагидек парвариш қилиниши учун имкониятлар яратилди. Мулкка эгалик ҳисси, эртанги кунга ишонч бўлганидан кейин шу-да. Абдужаббор ака ва ўғиллари фермадан бери келмай қўйди. Уззу-кун шоҳдор жониворлар билан бирга. албатта, 430 дан ортиқ қорамолга, жумладан, 180 га яқин соғин сигирларга қарашга биргина оиланинг кучи етмаслиги аниқ. Боз устига, чорва туёқлари йил сайин кўпаяверади. Айни пайтда қорамоллар боши 517 тага етган! Ўз-ўзидан қўшимча ишчи кучларига эҳтиёж пайдо бўлиб қоларкан. Демакки, янги ишчи ўринлари ўз эгаларини кутаверади.

Синалмаган отнинг сиртидан ўтма, деган мақол бежиз айтилмаган, Ақлли одам узоқдан, бегона жойлардан ишчи ахтармайди. Қолаверса, илгаридан шу фермада меҳнат қилиб келаётганлар ҳам кам эмас. Уларни Абдужаббор ака таниши ҳам гапми, ҳатто, ошна-оғайни бўлиб кетган-ку. Четдан қаралганда улар худди бир оилага ўхшайди. Бошқа ишчиларда ҳам келажакка ишонч борми, демак, ишлар «беш» бўлади. Ўз вазифасини қойилмақом қилганлар ҳақини ҳам дўндириб олаверади. Ўзибўларчиликка ўрганган ношуд бўлса ўзидан гина қилсин...

Хусусий ферманинг ҳақиқий эгалари бўлган Маликжон билан Абдуқаҳҳорни мақтамаса ҳам бўлади. Ишламай қайга борарди бу ёш мулкдорлар! Уз касбига азалдан меҳр қўйган Ориф Толипов, Фатхулла Тўлаганов, Азиз Жуманазаров каби уста молбоқарлар, Мукаррам Абдуллаева, Тожихон Абдумўминова, Саломат Жуманазаровадек «оқ булоқ» ижодкорлари — сут соғувчилар, Қудрат Ботиров, Сергей Тиртечников сингари моҳир механизаторлар, шунингдек, механик Файзулла Туржанов, молдўхтир Марат Каминов, қоровул Мисир ака Сарсенов, бош ҳисобчи Ҳамдия Каминоваларнинг ўз вазифаларини қанчалик кўнгилдагидек уддалашаётганлари ҳақида ҳар қанча ифтихор билан айтсак арзийди.

Улардан ташқари ҳар йили ёз мавсумида 60 дан ортиқ қўшимча ишчилар қабул қилинади. Фермага қарашли 200 гектар ерда ишлар қизғин тус олади-да. Уста деҳқонлар чорва озуқаси ҳисобланмиш беда, макажўхори ва лавлаги етиштириб берадилар. Дарвоқе, ўша ернинг 64 гектари Чирчиқ дарёси бўйида — тошлоқ жойлардир. Бундай ерда бирор ўсимлик ундиришнинг ўзи бўлмаса керак. Ернинг ҳадисини олган тадбиркор бунинг ҳам йўлини топди. Фойдаланилиши жуда қийин бўлган 5 гектар ерга иморатбоп тераклар экди. Мақсад, тераклардан ёғоч, тахта олиш имкони пайдо бўлди дегунча фермага қўшимча бинолар бунёд этилади.

Така бўлсин — сут бersин, деган жайдари нақл ҳам бекорга айтилмаган. Ҳозир нима кўп — хусусий корхона, фирма, хўжалик кўп. Қай бирининг элу юртга нафи қанчалик тегаётганига қараб баҳо бериш мумкин. Мазкур чорвачилик фермаси ўтган йили 437,4 тонна серқаймоқ сут соғиб олишга муваффақ бўлган, шундан 387,6 тоннаси аҳолига ҳамда тумандаги 35, 33, 20-болалар боғчаларига сотилган. Гўшт тайёрлаш режаси ҳам уддаланди. Жами 37,9 тонна сифатли гўшт аҳолига етказилди. Даромаду буромадни чўтга соладиган бўлсак, 21 миллион 616 минг сўмлик чорва маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, унинг 128 минг сўми соф фойдани ташкил этган. Азаматлар бу йил 200 минг сўмлик соф фойдани кўзлаб меҳнат қилишаётир.

—Авлодларимиз умидли ниҳолларимиз бўлса, ўзимиз уларга муносиб илдиз бўлмоғимиз шарт. Илдизи бақувват ниҳол униб-ўсиб дарахтга айланганида бақувват, серҳосил бўлади, — дейди Абдужаббор ака Нурматов. — «Соғлом авлод йили»даги мақсадимиз — болажонлар боғчаси ва мактабларга етказиб бериладиган гўшт ва сут маҳсулотлари миқдорини улғайиб, камолга етаётган ўғил-қизларимизга шундай меҳр билан муносабатда бўлишимиз ҳам фарз, ҳам қарздир.

Бахт қасрига бошловчи калит қаердалигини англагандирсиз?

Бу — ҳалол ва самарали меҳнатда, тадбиркорликда, аҳлликда!

Жаннатмакон юртимизда тинчлик, осойишталик абадул-абад ҳукмрон бўлса, бу қасрга кириш ҳар кимнинг ўз қўлида бўларкан!

Фермер Адужаббор Нурматов ҳузуридан қайтарканман, кўрган-билганларим шууримда қандайдир назмий оҳангларга айланаётгандек туюларди. Уни қиёмига етган шеър дейиш даъвосидан йироқ бўлсамда, чинакам юрт фидойилари ҳақида сўз юритганингда шундай ҳол юз берар экан: дилингдаги тилингда қўшиқ мисол янграркан!..

Битар ишнинг бошига — ботир келар қошига,
Муаммо пайдо бўлса, ҳожат йўқ «кўз ёши»га.
Дангасалик бир дарддир, ҳар жабҳада судралар,
Ишнинг кўзин билганлар қойил қилиб уддалар.
«Ўтиш даври» бошида кўргандик не ҳолларни,
Талон-тарож қилганди кимдир қорамолларни,
Чорва фермаларига бўлмай қолган эътибор,
Лоқайдлик ботқоғига ботиб қолганлар ҳам бор...
Қибрайлик Абдужаббор ғайрат камарин бойлаб,
Ишга дадил киришди ўзини ўтга чоғлаб.
Ўғиллар икки ёнда — мисоли жуфт қанотдир,
Чўпон таёғин тутар, тагида учқур отдир.
Катта ўғил Маликжон техника рулин тутган,
Укаси Абдуқаҳҳор омад қушини кутган.
Иккиланмасдан ота фермани сотиб олди,
Ҳаловат билмай улар шу жойда ётиб қолди.
Жондан кечган топар жон, интилганга толе ёр,
Ота-ўғиллар буткул бўлиб кетди тадбиркор!..
Бахт калитин топишди, пешонадан оқиб тер,
Фахрланиб мадҳ этдим, омад ёр бўлсин фермер!..

Тўлқин ЭШБЕК

Жиноят ва жазо

БОСҚИНЧИЛАР

ёки уюшган жиноий гуруҳнинг қилмишлари ва аччиқ қисмати ҳақида

Тошкент шаҳар судининг судья В. Шарипов раислигидаги мажлисида пойтахтдаги ўтакетган ваҳший жиноий гуруҳнинг жирканч қилмишлари муҳокама этилиб, унинг аъзолари бирор бир жойда ишламасдан текин бойлик орттириш мақсадида қасддан одам ўлдириш ва босқинчилик йўли билан ўзгаларнинг жуда кўп миқдордаги мол-мулкларини талон-тарож қилганликларини тасдиқлади. Ўткур Турсунов ўз ҳамтавоғи Бахтиёр Раҳматуллаев билан биргаликда тузиб, бошчилик қилишган бу жиноий гуруҳ аъзолари — Козимитдин Шодмонхўжаев, Жамшид Орипов, Акмал Холиқов, Комил Олимжонов, Рустам Убайдуллаев, Фахриддин Содиқов, Николай Пицкий ва Равшан Усмоновлар ўз сардорлари билан биргаликда босқинчилик, қотиллик ҳисобига ўзгалар мулкини талаш билан шуғулланишган. Улар ўз иш услубларига мувофиқ даслаб пулдор одамларни аниқлашади. Босқинчилар ўқотар қуроллар, шунингдек, пичоқ, михсуғургич, дубинка, ва махсус тайёрланган темир қуроллар билан қуролланиб, ўмармаларини ташиб кетиш учун енгил автомашина, ҳатто автобусдан фойдаланишар эдилар.

Жиноий гуруҳнинг режалари пухта ўйланган, анча пишиқ эди. Улар ўзлари бостириб кирган уй эгаларининг оёқ-қўлларини боғлаб ташлашар, қийнашар, уришарди. Оғир ва турли даражадаги енгил (шароитга қараб) жароҳатлар етказиб, зарур бўлиб қолганда ҳатто қотилликка ҳам қўл уриб қимматбаҳо мол-мулкларини олиб чиқиб кетишарди. Ўлжаларини эса ўзларидан бошқа одам кирмайдиган хилват уйларига олиб бориб қўйишар ва ўзлари бўлишиб олишарди. Лекин алқасосу миналҳак деганларидек ҳаммаларига ҳам қилмишларининг қидирмишини тортишга тўғри келди. Қуйида мазкур жиноий гуруҳнинг ваҳшиёна қилмишларию аччиқ қисмати хусусида ҳикоя қилинади.

«ТУТЗОР»ДАГИ ТАЛОНЧИЛИК

Тошкент тумани Т. Мирзаев номли жамоа хўжалигидаги «Тутзор» маҳалласида яшовчи Баҳодир Умаровнинг тижорат билан шуғулланиши, унинг ўз уйида кўплаб автомобиль эҳтиёт қисмларини сақлаши ҳақидаги маълумотни эшитган Ўткур Турсуновнинг пайтавасига қурт тушиб қолди. Қандай қилиб бўлмасин унинг уйига бостириб кириб, тижоратдан кўрган фойдаларию, «оборот»даги мулкларини ўмариш йўлини қидира бошлади. Дастлаб бу хонадон томонга ўзи бориб «разведка» қилиб келди. Кейин бу ишга ҳамтовоқларини жалб этди. Кўплашиб, хонадондагиларнинг юриш-туриши, қай пайтда уйда бўлиши, хонадонига қаердан кириб, қаердан чиқиб кетиш мумкинлигини чуқур ўрганишди. Қабиҳ режаларини ижро этиш учун ҳамма нарса тахт деб ҳисоблаганларидан кейин эса Равшан Усмоновга тегишли бўлган «ПАЗ-672» русумли давлат белгиси 19-02 ТШХ автобусига ўтириб Т. Мирзаев номли жамоа хўжалигига қараб йўл олишди.

Автобус «Тутзор» маҳалласидан Умаровнинг уйи жойлашган кўча бошига етганида, соат миллари тунгги 04 ни кўрсатарди. Автобус ҳайдовчиси ўз транспорти билан шу ерда қолди. Қолганлар — Козимитдин, Бахтиёр ва Ўткурлар ҳовли деворидан ичкарига ошиб тушиб кўча дарвозани очиб қўйишди. Бироқ 2-қаватга кўтарилиш эшиги ичкаридан берклиги сабабли бошлари қотди. Шунда Ўткур ҳийла ишлатиб эшикни уй эгасининг ўзига очдирди. Кўчага қайтиб чиқиб эшик қўнғироғини босди, уй соҳиби 2-қават эшигини очганида эса бурчакда беркиниб турган Бахтиёр билан Козимитдин унинг ёқасидан олиб, оёқ-қўлини боғлаб ташлади. Бу ҳақда жабрланувчи Баҳодир Умаровнинг ўзи шундай ҳикоя қилади:

Соат тонги 4 дан 30 минут ўтганида кимдир эшик қўнғироғини босди. Деразадан қараб ҳеч кимни кўрмадим, кийиниб биринчи қаватга тушаётганимда ойнадан ташқарига қарасам форточкалар ва ошхона эшиги очилиб қолибди. Залга ўтадиган икки табақали қулфланган эшикни очишим билан юзларига ниқоб кийган номаълум кишилар бошимдан ушлаб ерга йиқитишди. Улардан бири русчалаб:

— Всё, молчи, иначи убьём! — деб дўқ урди. Мен нима бўлаётганини англаб етмасимданоқ улар оёқ-қўлларимни латта билан боғлаб, ўзимни ерга қаратиб ётқизиб қўйишди. Шунда зўравонлардан бирининг:

— Нима бўлса олинглар, нарсаларнинг жойини ўзим айтаман. Фақат ҳеч кимга тегманглар, — деганини эшитдиму улар босқинчи-талончилар эканлигини англадим. Талончилардан бири (бошлиги бўлса керак)нинг кўрсатмасига биноан қозонхонадан 60000 сум пулни олиб чиқди. Кейин менга қараб:

— Тилла буюмлар қаерда, айт, айтмасанг.., — деб сука бошлади. Мен:

— Тилла буюмлар трюмода бўлса керак, хотиним билади, — дедим.

Бу гапим босқинчиларга ёқмади шекилли бири юзимни ерга қаратиб босиб туриб, михсуғирғич темир билан аввал бошимга, кейин елкам, қўл-оёқларимга урди. Бироқ мен қаршилик кўрсатмадим. Аниқроғи, бунга қодир ҳолатда эмасдим.

Хуллас ғоратчиларнинг бири қўлида қуроли билан тепамда пойлоқчилик қилди. Қолган иккитаси тепага чиқиб-тушиб у-бу нарсаларни пастга олиб тушиб турди. Шу орада тепамда тургани менга:

— Тиллаларинг қаерда турганини айт, — деб яна мих суғургич билан ура кетди. Мен чурқ этмадим. Босқинчилар ҳар ёнимдан ўтганларида мен бечорани тепиб, муштлаб кетишарди. Тепамдаги пойлоқчи эса ҳамон дам-бадам михсуғирғич билан елкам, бошим ва қўл-оёқларимга уриб турарди. Шу лаҳзаларда менинг кўзимга на пул, на бойлик, ҳатто ўз жоним ҳам кўринмасди. Ичкаридаги аёлим ва фарзандларим тақдири, уларнинг ҳоли не кечаётганлиги ташвишлантирарди...

Ниҳоят қандайдир юк машинасининг овозини эшитдим. Ўғрилар ўмармаларини машинага юклашди. Кетишларидан 5-10 минут олдин мени ҳаммомга олиб кириб, юзимни ерга қаратиб, оғзимга латта тиқиб қўйишди-да:

— Агар милицияга хабар берсанг, ўлдириб кетамиз, — деб қўрқитишди. Босқинчиларнинг қораси ўчиб, ҳаммаёқ сокин бўлгач, бир амаллаб оёқ-қўлларимни ечдим-да тепага — бола-чақамнинг ҳузурига чопдим. Не кўз билан кўрайки, хотиним Нилуфар оғзига латта тиқилган, қўл-оёқлари ип билан боғланган ҳолатда дир-дир титраб ётибди. Болаларим унинг ёнида бўлиб, устларига ташланган кўрпа-тўшакларни олиб ташлаб, хотинимнинг қўл-оёқларини ечдим. Албатта, ҳаммаларининг соғ-саломат эканликларини кўриб, кўнглим бироз жойига тушди.

Кутилмаган бало-қазолардан омон қолганимизга шукроналар айтиб, уйни кўздан кечирдик. Ҳаммаёқ остин-устун қилиб титиб ташланган. Шунда мен халқимизнинг «ўғри тушган уйга ўхшаб» деган нақлининг мазмунини ўз кўзим билан кўриб, ҳис этдим.

Ғоратчилар не-не азоб-уқубатлар билан топган-йиққанларимизнинг ҳаммасини олиб кетишибди.

Жабрланувчи босқинчиларни таниб қололмади. Сабаби, улар юзларига ниқоб кийган эдилар. Унинг эсида қолган маълумотлар ўғриларнинг соф Тошкент шевасида гапирганликлари, биттаси «Всё, молчи...» деб ўрисча гапирган бўлса ҳам унинг ўзбеклиги яққол сезилиб турганлиги холос. Ўғрилардан бошқа из, ҳатто, қўлларига қўлқоп кийганлиги боис бармоқ излари ҳам қолмаганди. Шу боис уларни на жабрланувчилар, на милиция ходимлари топа олишмади. Бундан бошлари осмонга етган талончилар ҳайдовчи Равшан Усмоновга 5000 сўм пул, 5-6 шиша ароқ ва ўзларига тегишли бўлган эски видеомагнитафонни бериб, қолган ўмармаларини Ўткур Турсуновнинг Ҳамза туманидаги кимсасиз эски уйига олиб келиб жойлашди-да, кейин «соққа»га айлантириб ўзаро бўлиб олишди.

«ТИНЧЛИК»ДАГИ НОТИНЧЛИК

Бу галги талончилик манзилини жиноий гуруҳ аъзоси Комил Олимжонов топиб келди:

— Васёк, (Ўткур Турсунов ўзига ўзи шундай лақаб қўйган эди) мен бир бойвачча тадбиркорни топдим. У Қозоғистон Республикаси, Чимкент вилояти, Сариёғоч тумани Интимоқ жамоа хўжалиги, Қурама қишлоғидаги «Тинчлик» кўчасида тинчгина яшайди. Бир бориб унинг тинчлигини бузиб келмаймизми?

— Кишилар тинчлигини бузиш-ку биз учун чўтмас, кундалик одатимиз. Ундан қайтаймиз. Лекин шунча узоқ масофага борганимизга яраша тушими қандоқ бўлади. Шундан гапир!

— Мен сенга айтсам унинг фамилияси Боймирзаев. У чиндан ҳам Бой Мирзаев. Шундай бўлгач, бойлигини олиб мирза теракдек тик қоматини букиб келамиз-да!

— Нима бало, сени ўзимга ўхшаш талончи десам туппа-тузук тилшунос ҳам чиқиб қолдинг-ку! Аммо, билиб қўй, борганимизга яраша қуруқ қайтсак шу бурро тилларингни кесиб, соқов қилиб қўяман.

— Ие, шеф, бу нима деганингиз. Бунақада тилимни кесмасангиз ҳам «соқов» бўлиб юравераман-ку. Ўғрига мол қаҳатми, дейдилар. Борганимиздан кейин қуруқ қайтмаймиз, ахир. Қолаверса таваккал қиламиз. Ошиғимиз олчи туради. Агар ўхшамаса ё чикка, ё пукка-да!

— Унда тайёргарлигингни кўравер. Болаларга айт. Бугун тунда ўша Бой Мирзанинг кутилмаган «меҳмони» бўламиз.

Босқинчи тўда бошлиқлари Ўткур ва Бахтиёрлар Комил Олимжоновни олиб Акмал Холиқовнинг «Жигули» русумли давлат белгиси Я 51-83 ТН автомашинасида Боймирзаевнинг «тинчлиги»ни бузиб келишга жўнашди. Боришса «Тинчлик»да чиндан ҳам тинчлик. Ярим кеча бўлгани учун ҳаммаёқ осойишта, одамлар уй-уйларида ухлаб ётишибди.

Шум ниятлар кўча бошида Акмални ўз машинасида пойлоқчиликка қолдиришди. Ўзлари эса одатдагидек юзларига қора ниқоб, қўлларига қўлқоп кийиб, пичоқлар ва дубинка билан қуролланиб, Комилжон белгилаб берган йўлдан бориб Боймирзаев хонадонига келишди. Қарашса, унинг ҳовлисида на девор, на дарвоза бор. Тўппа-тўғри юриб уй эшигини бузиб бало қазодек ичкарига ёпирилиб киришди. Тўсатўполондан чўчиб уйғонган Боймирзаев (шу куни у уйида ёлғиз қолганди) энди ўрнидан турувди ҳамки Раҳматуллаев дубинка билан бир уриб довдиратиб қўйди. Бундоқ қараса қаршисида биров (Олимжонов) пичоқ ўқталиб турибди... Уччавлон уй эгасига баравар ташландилар. Кейин ўз иш «услублари»га кўра оёқ-қўлини боғлашди-да, сўроққа тутишди.

— Қани, итвачча, пулларни қаерга беркитгансан?

— Менда пул йўқ!

— Бор! Қанча борлигини аниқ биламиз. Яхшиликча ўзинг топиб бер!

— .....

— Нима бало, оғзингга мум солганмисан... Ҳали шунақами? Сени шундоқ қиламизки, булбул бўлиб сайраворасан!

Ваҳшийлар қўл-оёғи боғлиқ жабрдийдани палосга ўраб, ундан чиқиб турган оёқ бармоқларини бир бошдан кеса бошлашди.

— Қани, бир сайраворчи булбулча... Бўл, тезроқ сайра, доллар қаерда?

Кутилмаган «меҳмон»лар уй тинтувини бошлаб юборишди. Уни у ёққа отишди, буни бу ёққа! Жиҳозлардан сингани синди, қолгани қолди. Уйдан катта қийматга эга бўлган анжомларни «супуриб» олган «меҳмон»лар ҳамон палосга ўроғ»лик уй эгасига яқинлашиб:

— Мабодо милицияга хабар бермоқчи бўлсанг, шаштингдан қайт! Бизни қидиришга ҳам урониб юрма. Билиб қўй, болаларинг бизнинг назоратимизда бўлади, милиция ходимларига айтадиган бўлсанг, уларни ўлдириб кетамиз! — деб дўқпўписа қилишди-да, ўлжаларни олиб астагина қуён бўлишди.

Ғоратчилар кетиб, борлиқ яна сукунатга чўмиб, хонадонда тағин осойишталик ҳукм сургач Боймирзаев думалаб-думалаб палос ичидан чиқди. Бир амаллаб боғланган қўлларини ечди. Кейин оёқларини ҳам. Тез ака-укаларига бориб, уларни воқеадан воқиф этиб, биргаликда босқинчиларни излашга аҳд қилган эди. Бироқ қараса ўғрилар машинасининг телевизор қўйилган стол устида турган калитини ҳам олиб кетишибди. Ноилож бечора Боймирзаев пиёда йўлга чиқди. Эртасига Тошкентга келиб 2-ТошМИда даволанди. Орадан бир ҳафтача ўтиб у олган жароҳатлар битди. Лекин қалб жароҳати битмади. Энди унинг битиши осонми?

Бу жабрланувчи ҳам босқинчилар хусусида бирор бир аниқ маълумот айтиб беролмади. Фақат палосга ўралиб ётган чоғида бировининг «Акмал, нима қилаяпти?» деган сўзларини эшитиб қолди, холос. Демак, ғоратчилардан бирининг исми Акмал! Ҳаммалари Тошкент шевасида сўзлашишади! Биттаси русча гапиради. Лекин рус эмас, гапларидан билиниб туради!

«ЮЛДУЗНИ БЕНАРВОН УРАМИЗ!»

— Сенлар, — деди тўда бошлиғи Ўткур Турсунов ҳамтовоқларига қараб. — «Нишон» танлашни билмайсанлар. — Бас жонингни тикиб «ов»га чиқдингми, қаттароқ ўлжани нишонга ол. Шунда ё отинг чиқади ё...

— Ҳа, хўжайин бу гапингиздан бирорта кит ҳақида маълумот топиб келдингизми, дейман.

— Худди шундоқ. «Юлдуз» фабрикасининг директори!

— Демак, бу гал юлдузни бенарвон урамиз шундайми?

— Шундай.

Текин пул, бойлик қутиртирганидан қуртиртираётган жиноий гуруҳ аъзоларига «шеф»лари топган манзил маъқул тушди. Улар дўппиларини, э кечирасиз, спорт шапкасидан тайёрланган ниқобларини бошларидан олиб, Турсуновнинг кимса кирмас хонадонида режа тузишди. Унга кўра Раҳматуллаев ва Убайдуллаевлар Собир Раҳимов тумани Қамарнисо кўчаси 83-уй қаршисидаги дукон олдида туриб бир неча кун Абдуваҳоб Тошпўлатовларнинг уйларини кузатадиган бўлишди. Кузатув жараёнида улар бу уйда кимлар яшаши, улар қай пайтларда чиқиб, қай пайтларда қайтишлари, хонадонга қаердан, қай пайтда бостириб кириш қулайлиги каби ҳолатларни аниқлайдилар. Жиноятчилар Турсунов билан маслаҳатлашиб уй атрофи баланд девор билан ўралганлиги сабабли унга фақат деразага ўрнатилган темир панжарани кесиш йўли билан кириш мумкин, деган қарорга келадилар. Гуруҳ раҳбари «Тезиков» бозоридан темир қирқадиган қайчи сотиб олади ва уй эгаларининг қўл-оёқларини боғлаш учун мис симлар ва капрон ипларни топиб, керакли ўлчовда қирқиб тайёрлайди. Босқинчилик учун ҳамма нарса тайёр бўлгандан кейин Ўткур Турсунов ғараз ниятларини амалга ошириш мақсадида уюшган гуруҳ аъзоларидан Бахтиёр Раҳматуллаев, Жамшид Орипов, Акмал Холиқов, Козимитдин Шодмонхўжаев ва Рустам Убайдуллаевларни ўзи яшайдиган Зарқайнар кўчасидаги Уйланиш тор кўчасида жойлашган 6-берк кўча, 7-уй олдига йиғади. Шу ерда ўзаро маслаҳатлашиб, бир қарорга келишган, А. Холиқовнинг «Жигули» русумли Я 51-83 ТН давлат белгили автомашинасида Олимпия мавзесида жойлашган Педиатрия илмий-тадқиқот институти клинкаси маслаҳат-диагностика поликлиникаси ҳовлисига келишиб, автомашинани шу ерда қолдиришади. Ўзлари эса олдиндан тайёрланган ниқоблар, қўлқоплар ва бошқа жиҳозлару қуролларини олиб жарлик ёқалаб Қамарнисо кўчасида жойлашган 83-уйнинг орт томонидан айланиб ўтиб, ён томонидаги иссиқхона деразаси тагига борадилар. Қарасалар шу ерда бораётган қурилиш жиҳозлари орасида ёғочдан ясалган стол турибди. Раҳматуллаев билан Шодмонхўжаевлар уни олиб келиб дераза ортига қўядилар-да дераза панжарасини ўзлари билан олиб келган қайчи билан кеса бошлайдилар. Панжарада одам сиғадиган тешик пайдо бўлгач ҳаммалари бирин-кетин ичкарига кирадилар. Турсунов, Холиқов ва Ориповлар уйнинг коридорида қолишади. Улар бирор киши ичкаридан чиқиб қолса ушлашлари керак эди. Қолганлар гуруҳ раҳбари бошчилигида уй эгалари ухлаб ётган айвонга борадилар. Раҳматуллаев эрта тонгда бир тўйга — ошга бориш тараддудида турган Абдуваҳоб Тошпўлатовни қўлидаги темир кесадиган қайчи дастаси билан уриб, ўшқиради:

— Қани, пул, доллар, тиллаларни топиб бер!

Шу орада Турсунов ҳам хонадон соҳибаси Раъно хоннинг сочидан тортиб, тепиб, бўйнидаги тилла занжирни, қулоғидаги олтин зиракни ечиб олади-да, ундан ҳам пул ва доллар қаердалигини айтишни талаб қилади. Убайдуллаев эса шу ерда ухлаб ётган хонадон эгаларининг яккаю ёлғиз ўғиллари Дилшодни тепиб, соғлиғининг бузилишига сабаб бўлган енгил тан жароҳати етказади. Бўлаётган шовқин-суронни эшитиб, ичкаридан тинч ва беозор ухлаб ётган қизлари Гулнора ҳам коридорга чиқиб қолади. Шунда бу ердан кимдир чиқиб қолишини пойлаб турган Холиқов билан Ориповлар уни ушлаб, ерга ётқизиб, устига халатини ёпиб қўяди. Холиқов ва Орипов олиб келган капрон арқон билан унинг қўл-оёғини боғлаб ташлайди. Худди шу лаҳзада мурғаккина қизалоқ Ситора ҳам онасининг кетидан йиғлаб чиқиб қолади. Ваҳшийлар шафқатсизлик билан уни ҳам онасининг ёнига ётқизиб қўядилар. Хонадонда босқинчилар «асир» олмаган бошқа ҳеч ким қолмагач Турсунов уй соҳибасига қутурган кўзларини қадаб дейди:

— Ҳамма пул, доллар ва тилла буюмларни тезроқ топиб бер! Йўқса, мана шу ёлғиз ўғлингнинг бўйнига пичоқ тортиб юборамиз!

Онаизор бундоқ қараса қонхўрлар кўзларининг оқу қораси бўлган азиз фарзандининг бўйнига пичоқ тираб турибди. Ноилож, қолган она ҳамма тилла тақинчоғу қўл соатини Ўткур Турсуновга олиб беришга мажбур бўлди.

Шундан кейин ҳам очофатларнинг кўзлари тўймайди. Аксинча, пул ва доллар қидира бошлайди. Турсунов уйларни тинтиб, деворда осиқлик турган сумкадан 4.600 АҚШ доллари ва 28.000 сўм пулни олиб, қўл-оёқлари боғланган Гулноранинг тепасига келди-да, унинг бўйнидан тилла занжирни, бармоғидан олтин узукни ечиб олди.

Бахтиёр Раҳматуллаев эса ётоқхонани тинтиб у ердаги турли қимматбаҳо буюмларни олиб чиқади.

Шундан кейин «ов»ларидан сал қунгиллари туладими, ҳар ҳолда тинтув ва қийноқни тўхтатиб уй эгаларининг қўл-оёқларини ўзлари билан олиб келган сим ва капрон арқонлар билан боғлашади-да, дўқ-пўписадан иборат сўнгги сўзларини айтишади.

— Биз энди кетамиз. Лекин зинҳор-базинҳор милицияга хабар қила кўрмаларинг. Акс ҳолда бизга эмас, ўзларингга ёмон бўлади!

Босқинчилар шундай дея ҳовлининг орқа дарвозасидан чиқиб, Педиатрия илмий-тадқиқот институти поликлиникаси ҳовлисида турган Холиқовнинг уйи олдига келадилар. Қўлга киритган жуда кўп миқдордаги ўлжаларини шу ернинг ўзида тақсимлаб оладиларда, ҳар бирлари ўз келган томонларига қараб тарқаладилар.

Ортиқбой ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг бўлим бошлиғи.
Мурод КАЛОНХОН,
«Адолат» мухбири.

(Давоми келгуси сонда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИККИНЧИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Докторантура, аспирантура ва клиник ординатурага қабул қилиш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ДОКТОРАНТУРА: Ички касалликлар—1, паталогик физиология—1, жарроҳлик—1.

АСПИРАНТУРА: ЛОР касалликлари—1, ички касалликлар—1, кардиология—1, гигиена—1, кўз касалликлари—1, асаб касалликлари — 1, паталогик физиология—1, нур-ташҳиси—1, жарроҳлик—1, ревматология—1, наркология—1.

КЛИНИК ОРДИНАТУРА: ЛОР касалликлари—2, эндикринология—1, кўз касалликлари—2, юқумли касалликлари—2, тери-таносил касалликлари—2, спорт тиббиёти—1, асаб касалликлари—2, психиатрия—2, травматалогия—2, нейрожароҳлик—1, гемотология—1, клиник фармакология—2, пульмонология—1, наркология—1.

Ҳужжатлар 2000 йил 1 июлдан 10 августгача қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳар, Фаробий кўчаси 2-уй. Бош ўқув биноси, 4-қават. Аспирантура бўлими.
Телефон: 46-46-37.

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА

«Ўзуйжойжамғармабанки» Наманган бўлими Наманган шаҳрининг Нодира кўчасида янги 16 хонадонли уй қурилиши бошланганлигини эълон қилади.

Бошланғич тўлов – 20 фоиз.

30 фоизи – 10 йилга кредитга берилади.

50 фоизи эса бюджет ҳисобидан. Имтиёзли кредит орқали квартира сотиб олишга шошилинг.

Тел: (код 36922) 64500.

***

«Ўзуйжойжамғармабанки» Наманган бўлими аҳоли ва ташкилотларга ўз маблағларига акция сотиб олиб банкка қўйишни таклиф этади.

Сиз қўйган маблағингиз тез кунда самара беради ва сизга ишончли фойда келтиради.

Бир дона акция баҳоси минг сўм.

«Ўзуйжойжамғармабанки» Наманган бўлими акцияларини сотиб олинг, фойдангиз кафолатланади.

Тел: (код 36922) 67428.

Гир-гир ўйнар даврада қиз,
Чилдирманинг садосига.
Муҳаббатин сездирмайди,
Ошиғига, адосига.

• Назм

СЕН ҚЎРҚМА

Шаккок ахлоқсизлар десаки: ёмон,
Бу менинг фахримдир, обрўйим инон.
«Ёмонга бас келманг, ёмонлар қурсин»,
Кечир, бу ўгитинг ўзингда турсин.
Бас келмасам мену, бас келмаса у
Илоҳий яратган инсоний туйғу —
Қайда қолар! Десак ҳозиру ҳузур
Замонга тўлдирсак ярамас қусур,
Барчага баробар бўлмасман яхши,
Кимман?! Ноҳақликка турмасам қарши.
Ақли заифларни бўлмас душмани
Ҳақсизга кўзи кўр севса таъмани
Эзгуликпарварлар илоҳий ҳурлар
Шулардан тарқалган кўздаги нурлар.
Шулар бор, ҳаёт бор, ҳаёт давомий,
Шулар-ла яшайман қалбим самовий.
Иймони бутунлар поку оташқалб,
Сен қўрқма Аллоҳим олади асраб.

Ойимчахон БЕКМИРЗА қизи.

Адолат посбонлари

ИРМОҚЛАРНИ ДАРЁГА АЙЛАНТИРГАН УСТОЗ

Узун бўйли, қадди-қомати келишган, бир қарашда кинолардаги машҳур «разведчик»ларни эслатадиган бу инсоннинг Чорвоқда ўтказилаётган семинарга келганини кўрганимда ўз-ўзимдан негадир жуда қувониб кетгандим. Эҳтимол, номи бутун республикага таниш бу прокурорнинг хизмат соҳаси семинарда мен ўқийдиган мавзуга яқинлиги учун унинг мададига умид қилгандирман, эҳтимол қадрдон Чорвоғим мени улуғ инсонлар даврасига чорлаётганига ишонгандирман.

Семинар тугаб, меҳмонлар тарқалиш арафасида Вали Кабирович мени ёнларига чақириб, кимлигимни суриштирди. Бўстонликдан, Оқсувнинг бўйида катта бўлганимни эшитиб, Чорвоқ соҳили бўйлаб қўлтиқлаб кетди.

«Мен сизга бир ҳикматли гапни айтаман, мағзини чақиб кўринг, — дея гап бошлади Вали Кабирович. — Ана уйингиз ёнидан Оқсув шовуллаб, кўксини тошдан тошга уриб оқиб келяпти. Қанчалик ҳайқирмасин, суви қанчалик оппоқ бўлмасин, Оқсув бир ирмоқ. Қаранг. Чорвоққа яна қанча ирмоқлар келиб қуйиляпти. Чорвоқ, ҳа-ҳа, биз томоша қилаётган мана шу Чорвоқ ирмоқларни тўплаб, дарёйи азимга айлантиряпти. Дарё эса қиёслаб бўлмайдиган даражада улкан оқим!»

Шу воқеадан сўнг қалбимда Вали Кабировичга нисбатан таърифи сўзга сиғмайдиган ҳурмат пайдо бўлди. Ҳар гал Чорвоқни айланганимда шундай улуғ инсонга шогирд тушишни ният қилдим, бажараётган ҳар бир ишимда унинг сиймосини устоз тарзида кўз олдимга келтирдим.

Устоз! Қандай гўзал сўз! Шу биргина сўзнинг замирида минглаб юракларни ларзага солувчи, ҳаяжонлантирувчи, бутун умрингизни бир оний лаҳзада кўз олдингизда намоён этувчи улуғ куч мужассам. Устознинг шогирдга берган бир оғиз ўгити ҳаққини йиллар давомида, йиллар эмас баъзан умр бўйи адо этиб бўлмайди. Мутафаккир Навоий айтганидек:

Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳаққини ганж ила,

...Орадан кўп вақт ўтмади. Вали Кабировичга шогирд тушдим. Мен устоздан кўп нарса ўргандим: ҳам ишда, ҳам ҳаётда. Энг аввал меҳнатга меҳрни ўргандим. Устоз: — Эсимни танибманки, ҳаётим меҳнат билан ўтмоқда. Етмиш уч ёшга қадам қўйган бўлсам меҳнатсиз ҳаёимни тасаввур қила олайман, — дейди.

Республика Прокуратураси ишлаган кезларим хизмат тақозаси билан турли туманларда, қишлоқ ва овулларда бўлардим. Қайга бормай, иш жойимни билгач, менга берилган энг биринчи савол Вали Кабирович тўғрисида бўларди. Устознинг соғ-саломатлигини, ҳали ҳам ишда кўп ёшларни ортда қолдириб кетаётганлигини эшитиб ҳаммасининг юзи ёришиб, қувониб кетарди. Вали Кабирович ҳақида қайси бир прокурор, қайси бир адлия ходими билан суҳбатлашмайин, ҳаммаси устознинг уларга қилган яхшилигини алоҳида фахр билан сўзлаб берарди. Ҳаммаси Вали Кабировични ўзига устоз деб ҳисобларди.

Бу гаплар Вали Кабировични сохта улуғлаш учун эмас, балки самимий айтилаётганлигининг гувоҳи бўлаётганимдан, ҳайратга тушардим, устозимга бўлган ҳурматим яна ошиб кетарди. Бунчалик ҳурмат, бунчалик обрў-эътибор қозониш ҳар кимга ҳам насиб қилмайдику, ахир!

Вали Кабировичнинг эл орасида ном олиши ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Республика Прокуратураси умумий назорат бошқармасида устоз билан ёнма-ён ишлаб, у кишининг тақдири, кечирган ҳаёт йўлининг ўзи бир мактаб эканлигини англаб олдим. Уруш йилларидаги қийинчиликлар туфайли устоз оиласининг Тошкентдан Тўйтепа қишлоғига кўчиши, муаллим етишмаслиги сабабли қишлоқ мактабининг ёпилиши етук билим ололмаслик хавфини туғдирган бўлса, катта рузғорни тебратишдек масъулият ёш йигитни тез улғайтирди.

«Колхозимизда уруш йиллари ош лавлаги экиларди, — деб хотирлайди устоз. — Ҳосил мўл бўларди. Ҳосилни йиғиштириш, саранжомлаш, юклаш асосан 15—16 ёшли болаларнинг зиммасида эди. Айниқса, лой пайкаллардан катта йўлдаги ҳарбий машиналарга ош лавлаги ортиш жуда азоб бўларди. Ҳаммамиз «ғалаба учун, келгуси порлоқ ҳаёт учун «ишлаётганимиз сабабли чарчаш нималигини билмасдик».

Отаси Абдукабир Қосимовга нисбатан уйдирилган туҳмат туфайли оила шаънига етказилган маънавий зарар ёш йигитни келгусида адолат посбони-прокурор бўлишга ундади. Бу ният Вали Кабировичнинг 1952 йилда Тошкент Давлат юридик институтини имтиёзли диплом билан тугатганда амалга ошди.

Турмуш қийинчиликлари, тинимсиз мутолаа, қунт билан меҳнат қилиш тезда ўз натижаларини кўрсата бошлади. Устоз 26 ёшда Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи, 28 ёшда Ангор туман ижроия қўмитасининг раиси, 36 ёшда Сурхондарё вилоят прокурори бўлиб тайинланди. 1960 йил, айни 40 ёшида 3 даражали давлат адлия маслаҳатчиси, яъни генерал-майор прокурор мансаб даражасига сазовор бўлди.

«Сурхон воҳаси менинг иккинчи юртим, — дейди устоз ёшлигини эслаб. — Тўрт фарзандим ҳам шу юртда туғилгайнидан, онгли ва жўшқин ҳаётимнинг дастлабки йигирма йили шу вилоятнинг равнақига бағишланганидан беҳад мамнунман».

Вали Кабирович 1974—1984 йиллар мобайнида Сирдарё вилоят прокурори лавозимида хизмат килиб, 50 ёшида «Узбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвонига эришди.

Ён-атрофимизга эътибор билан боқсак, элим деб, юртим деб куйиб, ёниб ишлаётганларнинг ҳаёт йўлини теран фикрласак, манзил ёрқинроқ кўринишининг исботини айнан устозим Вали Кабирович ҳаёти мисолида доимо кашф этаман.

Бундан уч йил олдин Республика хўжалик судларининг олдига қўйилган масалалар қанчалик ҳаётий эканлиги бугун ҳаммамизга аён. Эндигина ўз йўлини излаётган ёш хўжалик судига 50 йиллик ҳалол прокурорлик тажрибасига эга бўлган Вали Кабировичнинг жалб қилиниши ғоят оқилона иш бўлди.

Президентимиз томонидан Республика хўжалик судларининг бугунги фаолиятига билдирилган ишончнинг замирида устозимнинг беминнат хизмати ҳам борлигини бутун суд аҳли билади.

Мана шу ютукнинг ўзи ёшларни ҳалол куч-қувват, онгли меҳнат ва бой тажрибага эга бўлишга ундовчи куч эмасми?!

...Жорий йилнинг 8 май куни устозим кўп йиллик ва ҳалол хизмати учун Узбекистон Республикаси Прокуратураси фахрий ходими нишони билан тақдирланди. Хотира ва Қадрлаш куни Чорвоқни айланар эканман, устозимнинг илк учрашувдаги фикрининг мағзини чаққандек бўлдим.

Мен устозимни ирмоқларни бир-бирига қўшиб, тўплаб, куч бағишлаб дарёга айлантирган Чорвоққа менгзадим. Ирмоқлар эса ҳаёлимда адлия хизмати, прокуратура ва хўжалик суди, умуман ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларида хизмат қилаётган шогирдлар тарзида гавдалана бошлади.

Мустақил Ватан истиқболи йўлида сузаётган кемада устозим тарбиясини олган адолат посбонларини кўриб Чорвоқ тўлқинлари каби жўшиб-жўшиб кетаман.

Мирзораҳмат НИЯЗМЕТОВ,
Олий хўжалик суди Ташкилий-назорат бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Хотира — қалбдаги ҳайкалдир

ЯХШИЛИК УНУТИЛМАЙДИ

Ҳаётлигида эл-юрт хизматида жон куйдирганларнинг номи сира ўчмайди. Ҳалқимиз ундай кишиларнинг яхшиликларини бир умр эслаб юришади, «жойи жаннатдан бўлсин, ажойиб одам эди» дея номини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади.

Каттақўрғонлик Ҳайрулла ота Қорахонов ҳам ана шундай элига, Ватанига садоқатли фидокор инсонлардан бири эди. Шаҳарнинг қайси бир даврасида бўлманг, бу фоний дунёдан ўтган яхши инсонлар ҳақида сўз юритилганда катта-ю кичик Ҳайрулла ака Қорахонов номини фахр ва ифтихор билан ёдга олишади. Айниқса, кексалар отахоннинг заҳматкаш ва меҳнаткашлиги, маҳаллаларнинг ободлиги ишларида ташкилотчилик маҳоратини ёшларга ҳавас билан ҳикоя қилишади. Ростдан ҳам Хайрулла ота ҳаётлигида босиб ўтган йўл ибратга лойиқдир.

...Ҳайрулла Қорахоновнинг отаси миллий ғояни ҳимоя қилганлиги туфайли қатағонга учради. Сталинчилар Корахоновлар оиласини Доғистон Автоном Республикасининг чекка тоғли туманига сургун қилишди. 1937 йили Ҳайрулланинг отаси ўша ерда дунёдан кўз юмди. Ушанда Ҳайрулла эндигина ўн етти баҳорни кўрган эди. Оиланинг бош фарзанди бўлган Хайрулла укаларини бағрига олиб, она-Ватанига келди. Қийинчилик, очарчилик даври бўлишига қарамай у ҳалол меҳнат қилиб, укаларига бош-қош бўлди. Укалари ҳам ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотгани учунми, ўз Ватани, она шаҳрига бўлган меҳрлари беқиёс эди.

— Мабодо мен дунёдан ўтгудай бўлсам, – деган эди отаси Ҳайруллага, – она-Ватанга қайт. Киндик қоним тўкилган у муътабар заминимизнинг ҳар сиқим тупроғи олтинга тенг. Ватанга, ватандошларинг хизматига қамарбаста бўл. Шунда руҳим сендан шод бўлгай.

Хайрулла ота васиятига амал қилди. У ўзи туғилиб ўсган Каттақўрғон шаҳрига қайтди, Арабхона маҳалласи аҳолисига кеча-ю, кундуз хизматда бўлди. Ўша йиллари ёш бўлишига қарамай маҳалладаги барча ташкилотчилик ишларида фаол иштирок этди. 1938 йилда Каттақўрғон педагогика билим юртини тугатиб, 1941 йилга қадар шаҳардаги 2-ўрта мактабда ўқитувчилик қилди. 1941-1942 йилларда иккинчи жаҳон урушида иштирок этди. Фронтда оғир яралар бўлиб, иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қайтди. Она-Ватанга бўлган меҳр ва ғурур Ҳайрулла Қорахоновни тинчгина ётишга йўл қўймади. Беморлик тўшагидан маҳаллага чиқди, эл ташвишига ҳамнафас бўлди.

Ҳайрулла Қорахоновнинг ногирон бўлишига қарамай, маҳалла ободончилиги, етим-есирларга меҳрибонлиги, билимдон ва ташкилотчилигидан хурсанд бўлган аҳоли уни ўзларига раис этиб сайладилар.

Дарвоқе, Ҳайрулла ота шаҳарнинг қоқ марказидаги Арабхона маҳалласида 30 йил қўмита раиси вазифасини шараф билан бажарди. 30 йиллик меҳнат фаолияти даврида ибратли ишларни амалга ошириб. Айниқса, маҳалла ободончилигига катта эътибор берди. Ҳайрулла отанинг фидокорона хизматлари туфайли маҳалла кўчаларига асфальт ётқизилиб, йўлаклар ёнига мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазилди. Хонадонларга табиий газ ва ичимлик сувлари келтирилди. Касби ўқитувчилик бўлганлиги учун у кўпроқ маҳалланинг маънавий-маърифий соҳаларига алоҳида эътибор берарди. Унинг ташаббуси билан маҳалла қўмитаси бинолари қурилиб, ана шу ерда кутубхона ташкил этилди. Маҳалла қўмитасида турли мавзуларга бағишлаб тадбирлар ўтказиларди. «Жамият ва оила», «Оилада қайнотанинг ўрни», «Бола азиз, одоби ундан азиз», «Тўй тўйдек бўлсин», «Маҳалла-отанг-онанг» сингари мавзуларда ўтказилган қизиқарли тадбирлар ҳамон эл қалбидан сўнгани йўқ. Хайрулла отанинг адабиётга ҳам ихлоси баланд эди. Шу боис ҳам у адабиёт намояндалари Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Бобораҳим Машраб, Увайсий, Фузулий каби ўнлаб шоир ва ёзувчиларнинг таваллуд кечалари ўтказилиб турарди.

Кам даромадли, туршмуши оғир оилалар Ҳайрулла ота назаридан сира четда қолмаган. У маҳалла фаоллари билан ана шундай оилаларнинг хонадонларида бўлиб, нимадан қийналаётганликлари ва бунинг сабабларини билишга қизиқарди. Мабодо ўша оила аъзолари ишсиз қолгудай бўлса, дарҳол маҳаллага яқин корхона ва ташкилот маъмуриятига мурожаат этиб, муаммони ҳал этишга муяссар бўларди.

– Хайрулла отанинг маҳалла қўмитасига раис бўлган даврда аралашмаган соҳаси йўқ эди, – дейди Арабхона маҳалла қўмитасининг раиси, шаҳар Кенгаши депутати Равшан Султонов. – Ҳали-ҳали эсимда, ўшанда бизлар ўқувчи эдик. Ҳайрулла ота биз таҳсил олаётган мактабда тез-тез бўлиб, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ юзасидан давра суҳбатлари ташкил этарди. Ана шу давра суҳбатларидан сўнг маҳалла ёшларининг ўқиш ва юриш-туришларида ижобий ўзгаришлар бўлганлигини айнан гувоҳи бўлганман. У кишининг кўпчиликка манзур бўлган ажойиб хислатлари биз авлодлар учун дастуриламал бўлиб қолган.

–Биласизми, – деди сўзини давом эттириб маҳалла қўмитаси раиси Равшан Султонов. – Агар у киши ҳақида ёзадиган бўлсангиз, маҳалламиз жамоатчилигининг бир таклифи бор. Хайрулла отанинг хизматларини сира унутиб бўлмайди. Агар Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги маҳалламиз кўчаларидан бирига у кишининг номини қўйса, нур устига аъло нур бўларди. Илтимос, мақолангизга бу фикримизни албатта киритиб ўтинг. Бу бутун маҳалла аҳлининг фикри.

Яхшилар эл қалбидан сира ўчмайди. Ҳайрулла ота Қорахоновнинг номи абадий қолишига асло шубҳа йўқ. Ўйлайлигизки, Каттақўрғон шаҳар раҳбарияти бутун умрини эл-юрт хизматига бағишлаган инсон хотирасини албатта қадрлайди.

Асқар ЖАЛИЛОВ,
«Адолат» муҳбири.

ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН!

● ЦИЦЕРОН ДЕЙДИ: «Кишининг кучдан қолиши емирувчи йиллар касри эмас, кўпинча бебош ёшликнинг асов ғалаёнлари оқибатидир. Ёшликдаги маиший тийиқсиз нафс кексаликка шалвираган танани ҳадя этади».

Ажаб савдолар

БОЗОР ВА САВДОДАГИ ҒИРРОМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрдаги «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Узбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 5 мартдаги «Бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси айрим вилоятларда қониқарсиз аҳволдалиги ташвишлидир. Қарор ва Фармонлар талабларининг бажарилишига масъул бўлган мутасаддилар, солиқчилар, савдо ташкилотлари ва бозорларнинг раҳбарлари бундай кўнгилсиз аҳвол билан муроса қилаётганига нима дейсиз?

Мансабдор шахслар хизмат вазифаларига юзаки муносабатда бўлса, охир-оқибатда оддий фуқаролар жабрини тортади. Ҳукумат қарорига кўра истеъмол товарлари билан савдо қилувчи дўконларда саккиз турдаги асосий истеъмол товарлари узлуксиз бўлиши таъминланиши керак. Текширишларда эса бунинг акси бўлаётгани аён бўлаётир. Биргина Самарқанд вилоятидаги 154 та истеъмол товарлари билан савдо қилувчи дўконларда ўтказилган текширишларда 100 та ҳолатда ун, 35 та ҳолатда хўжалик совуни, 24 та ҳолатда шакар, 15 та ҳолатда ўсимлик ёғи, айримларида эса чой, туз ва макарон маҳсулотлари йўқлиги маълум бўлиб қолди.

Айниқса Қорақалпоғистон Республикасидаги савдо шохобчаларида ахвол ачинарли. «Берунийтитунув» акциядорлик жамиятида аҳолига хизмат кўрсатувчи Турдиниёзов мудирлигидаги савдо дўконига бор йўғи 9250 килограмм, 3990 нафар аҳолига савдо қилувчи Юлдашевга қарашли дўконга атиги 4500 килограмм ун берилгани аниқланди. Биринчи ҳолатда ун маҳсулоти аҳоли жон бошига 3,45 килограмм тўғри келса, иккинчи ҳолатда эса бу кўрсаткич 1,12 килограммни ташкил қилган, холос.

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида бу борада камчиликлар талайгина. Тумандаги «Олтинсой» савдо фирмаси учун жорий йилнинг февраль ойида квота учун ажратилган 8 турдаги маҳсулотларнинг 7 турдагиси олинмаган. Ажратилган 49 тонна ун маҳсулотларидан атиги 15 тоннаси савдога чиқарилган, холос.

Асосий истеъмол товарлари етказиб берилмаётгани билан бир қаторда уларни талон-тарож қилиш, мақсадсиз ишлатиш, бу турдаги товарлар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш жиноятлари содир этилаётганлигига нима дейсиз? Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги «Гулбаҳор» савдо корхонаси раҳбари Г. Бердиева дўкон мудири Ф. Нарзиқулова билан ўзаро жиноий тил бириктиришади. «Жомбойдон» акциядорлик жамиятидан олинган 6975 килограмм биринчи навли унни дуконга олиб келмасдан, қингир йўллар билан сотиб юборишади. «Қилмиш – қидирмиш» дейдилар. Уларга нисбатан Узбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши кўзғатилди.

Ун – эл ризқу-рузи; оқлик. Кимки унга ҳиёнат қилса рўшнолик кўрмайди. Қинғир қилмиши ошкор бўлиб юзи ерга қарайди. Жиззах вилоятининг «Зарбдорнон» ишлаб чиқариш корхонасида ҳам қинғирликлар содир этилаётгани сири очилиб қолди. Корхона раҳбари В. Сайфуллаев беш бармоғини оғзига тиқди. Шахсий манфаатини кўпникидан устун қўйди. У мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ҳолда корхонага тегишли 29 қоп унни ўз уйида сақлаб, унни фуқаро Х. Ёрлақабовга 124,7 минг сўмга сотиб юборади. Бу ҳолат бўйича айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Энди улар қилмишига яраша қонуний жазосини олиши тайин. Ҳа, кўпчилик ризқи муқаддас. Унга ҳаром чангалини солганлар қармоққа илиниб, эл ичида юзи шувут бўлаверади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида прокуратура идоралари томонидан ўтказилган назорат текширувлари натижасида 315 киши маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилган. 113 та тақдимнома ва 85 та амрнома киритилган, 107 нафар мансабдор шахслар қонун талабларини бузиш мумкин эмаслиги тўғрисида огоҳлантирилган ва ўнлаб жиноят ишлари қўзғатилган.

Бозор – юрт кўзгуси. Унда тартиб бўлса, арзончилик вужудга келса, нур устига нур. Бободеҳқон манфаатлари йўлида қабул қилинган «Бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармондан сўнг ўтган давр ичида харидор ва сотувчиларга барча шарт-шароитлар яратилди, янги, замонавий бозорлар қурилди. Эскилари таъмирланиб, намунали даражага келтирилди. Бозорлар фаолиятини қонунга мос тарзда ривожлантириш борасида қатъий тадбирлар ишлаб чиқилди. Бозорга текширувчи келса масъул кишилар, типирчилаб қолишади. Кетгач эса яна аҳвол боб-боягидек бўлиб қолаверади. Бундай кўзбўямачиликка қачон чек қўйилади? Ишга виждонан муносабат қачон таркиб топади?

Республика Прокуратураси идоралари бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир Фармон ва ҳукумат қарорларини бажарилиши аҳволини доимий назорат қилиб турибдилар. Текширишлар бозорларни акциядорлик жамиятларига айлантириш, акциялар чиқариш, сотиш, дивидентлар ҳисоблаш ва тўлаш пайсалга солиниб келинаётганлигини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини улгуржи ҳарид қилиш мақсадида фьючерс шартномаларини тузиш яхши йўлга қўйилмаганлигини, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиниши ва бозор раҳбарларининг иш услуби давр талабига жавоб бермаслигини кўрсатди.

Хусусан, Тошкент шаҳар «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмасига қарашли 16 та акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарилган 1.667541 дона акциянинг 564546 донаси эркин савдо улушини ташкил этган бўлса, шулардан 224401 донасини сотилиши таъминланмаган.

Наманган вилояти ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Жумашўй» деҳқон бозори маъмурияти меҳнат жамоаси учун чиқарилган акциянинг 240 донасини бозор хазинасида сақлаётганига нима дейсиз? Эркин савдода сотиш учун чиқарилиши лозим бўлган 792 дона акция эса темир сандиқда ётибди. Бозор маъмурияти томонидан деҳқон ва фермер хўжаликлари билан етиштирилган маҳсулотларни бозорда сотиш учун шартномалар тузилмаган.

Андижон вилояти Балиқчи тумани «Чинобод» деҳқон бозори акциядорлик жамиятида деҳқон ва тадбиркорлар учун етарли шарт-шароит яратилмаган. Аҳлат ва чиқиндилар олинмасдан антисанитарик ҳолат вужудга келган. Савдо дўконлари ва расталар ўзбошимчалик билан қурилган, архитектура талабларига жавоб бермайди. Оқибатда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига жиддий зиён етаётир. Жамият раиси А. Султонов ва бошқаларга нисбатан Узбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзғатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги бозорларда ҳам аҳвол ташвишли. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини улгуржи харид қилиш буйича юридик ва жисмоний шахслар билан бирорта шартнома тузилмаганини қандай баҳолайсиз? Нукус шаҳар Хўжайли ва Чимбой тумани деҳқон бозорларининг санитария-гигиена холатлари талабга мутлақо жавоб бермайди. Тадбиркорларнинг сифат сертификати бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилишига йўл қўйиб берилган.

Айрим бозорларда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми талаб даражасида эмас. Узгалар мулкини талон-торож қилиш ҳоллари тўла бартараф этилмаган.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани «Отчопар буюм бозори» акциядорлик жамиятида фуқаролар Н. Сулаймонов, Н. Шаймонов, У. Нордоев, Б. Исоқовлар олдиндан жиноий тил бириктириб, ҳеч қандай ҳужжатсиз аҳоли юкларини сақлаш омборхонасини ташкил этишади. Қонунсиз даромад кўриб келишади. Айрим фуқаролар эса тиббий кўрикдан ўтмай бозор ҳудудида нон тайёрлаб сотиш учун цех ташкил қилиб фаолият кўрсатиб келаётганлиги сири ҳам очилиб қолди...

Кўпчилик ризқи сотилаётган бозорларда ҳалоллик хукм сурмас экан, у жойларда барака бўлмайди. Уз вазифасини муносиб уддалай олмайдиган инсофсиз раҳбарлар қатъий жазосини олаверади. Бозор ва савдодаги ҳар қандай қонунбузарликларга қатъий зарба берилаверади.

Ғуломжон ШУКУРОВ,
Узбекистон Республикаси Прокуратураси Умумий назорат бошқармаси бошлиғи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.
Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Адолат»нинг махсус мухбири.

● Фикр

БОЛА БОШИДАН...

— Ёшлар телеканалининг «Эркин фикр» туркумидаги кўрсатувларидан бирида ўғирлик, порахўрлик масаласи кўтарилди. Мен ҳам талаба бўлганман, лекин бирор марта устозларим, кейинчалик эса ҳамкасбларим пора сўраш уёқда турсин, ҳатто таъма ҳам қилишмаган. Бу билан пора берувчи ёки олувчилар йўқ демоқчи эмасман. Бундай иллатлар дастлаб тарбия масканларида бошланади, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига Абдулла Қодирий номидаги Маданият институти катта ўқитувчиси Зуҳра Бердиева. — Қисқа айтадиган бўлсак, қарс икки қўлдан чиқади. Айбни бировдан изламайлик, порахўрликка ўзимиз ўргатмаяпмизми?

— Нега айнан таълим-тарбия масканларига ургу беряпсиз?

— Кўрсатувда кимдир ўқитувчини, кимдир талабани айблади. Талаба олий ўқув юртига келгунча ҳамма нарсани пул билан ўлчаш мумкинлигига амин бўлади. Масалан, болангизни боғчага жойлаштириш ёки тугатишида албатта пул ёки совға берасиз. Каттароқ бўлганда эса, синф раҳбарига, ўқитувчиларига совғалар бериш одат тусига кирган. Кўриниб турибдики, бола ғудаклигиданоқ пора олиш ва бериш жараёнининг бевосита иштирокчисига айланиб қолмоқда.

Ўғирликнинг келиб чиқишида ҳам оилавий муҳит, ота-она сабабчи, деб ўйлайман. Қуш уясида кўрганини қилади-да. Шу ўринда бозорда бўлган бир воқеани мисол келтирмоқчиман. Сотувчи рўпарасига бир она-бола келди. Аёл ўрта яшар, қизи эса 16-17 ёшларда. Улар худди анчадан буён излаб юрган нарсасини топгандай, рўмолларни томоша қилиб, нечта олишларини маслаҳатлашиб туришди. Кейин онаси битта рўмолни билдирмай орқага узатди, қизи эса тезда сумкага солишни эплаёлмади. Сотувчи ва атрофдагилар кўриб қолишди. Уйлаб кўринг, бундай онани ким деб аташ мумкин? Бўйи етиб, бировнинг остонасига келин бўлиб борадиган қизини ўғирликка бошлаяпти. Эртага бу қиз қайнонасининг бисотидан, эрининг чўнтагидан пул ўғирламаслигига ким кафолат бера олади.

Сотувчи томонидан харидор ҳақига хиёнат қилиш ҳам тез-тез учраб туради. Отчопор бозоридан ёнғоқ, майиз ёки бошқа бир нарса харид қилсангиз, эринмасдан бошқа жойда ўлчаб кўринг. Икки кило деб олган маҳсулотингиз бир ярим кило бўлиб чиқади. Хуллас, муаммо кўп! Мен бекорга таълим-тарбия масканларига ургу бермадим. Чунки фарзандларимиз уйдан кўра боғчада кўпроқ бўлишади. Ота-оналар ҳам фарзандлари тарбиясига алоҳида вақт ажратишлари лозим. Қайта тарбиядан тарбия афзалроқ, — деди пировардида З. Бердиева.

Кулги бекати

Бир қария врач ҳузурига кириб:

— Ўғлим бедаво дардга йўликдим, ёрдам бермасанг бўлмайди, — дебди.

Врач:

— Нима гап, тортинмай айтаверинг.

— Шу десанг, етмишдан ошганда хотинларни қувлаб кетадиган одат чиқардим.

— Бунинг нимаси ёмон.

— Ёмон томони шуки, қувлайман, қувлайман, етиб олганимда нега қувлаганим эсимдан чиқиб қолади.

* * *

Эр машина олмоқчи бўлибди. Пулини санаб кўрса бироз етмасмиш. Кечқурун бу ҳақда хотинига айтибди. Хотини:

— Хафа бўлманг, менда 50 минг бор, — дебди.

— Эллик минг! Қаердан олдинг? — сўрабди эр.

— Биласизми, сизга нотабиий туюлиши мумкин. Аммо мен ҳар гал сиздан пул олганимда юз сўмни тортмага солиб қўярдим.

— Нега шуни илгари билмабман-а, —дея хитоб қилибди эр. — Агар билганимда ҳамма вақт пул бериб турардим.

* * *

Икки аёл суҳбатлашмоқда. Бири иккинчисига деди:

— Қизиқ эринг тўйингиз бўлиб ўтган кунни эслайдими?

— Бахтга қарши билмайди.

— Нега бахтга қарши деяпсан?

— Мен унга тўй куни ҳақида йилига бир неча маротаба эслатаман ва ҳар гал совға-салом оламан.

* * *

— Хоним, эрингиз ахлат яшигида ётибди, — деди қўшнисига кўчадан келаётган киши.

— Оббо хизматкори тушмагур-э, мен сартарошхонага кетаётиб унга, «уйдаги ортиқча нарсаларни ахлатга ташлаб юборгин дегандим, сезибди-да, — деди аёл хурсанд бўлиб.

* * *

Хонадонни яхшилаб тартибга келтирган хотин эри кечқурун ишдан қайтгач мақтанибди:

— Ниҳоят сенга янги костюм харид қилдим.

— Эскиси қани?

— Ташлаб юбордим.

— Каллаварам, энди солиқ инспектори олдига нима кийиб бораман?

* * *

«Ер-Марс» юлдузлараро космик кема учиб бормоқда. Шу пайт штурман қўлидаги харитага қаради-да сўзлашув пултига қараб қичқирди:

— Ўт ёқувчи, алло ўт ёқувчи, қандай ўтин ёқаяпсан.

Ўт ёқувчи:

— Тўғри ўтин ёқаяпман.

Штурман:

— Қийшиғини ташла, бурилишимиз керак.

РАССОМ ХАНДАСИ

— Уйингизда аквариум бўлса майли, мен розиман!

Иброҳим ҚОСИМОВ чизган расм.

Шатранж — бепоён олам

● Лев ТОЛСТОЙ: Мен шахматни шунинг учун ҳам севаманки, бу энг яхши ҳордиқ, бу ўйин мияни ишлатишга мажбур қилади, бироқ қандайдир жуда ўзига хос ўйин...

НЕГА «ШОҲ» ВА «МОТ?»

Шоҳмот. Бу сўзнинг ўзига хос маъноси бор. У икки сўз — «шоҳ» ва «мот»дан ташкил топган. Ҳар икки сўз ҳам форсий сўзлар ҳисобланади. Биринчиси «ҳоким», иккинчиси «ноилож», «енгилган» деган маънони англатади.

«Шоҳ» сўзи қадимдан Шарқ мамлакатларида ҳам, Ғарбда ҳам рақибни хавфдан огоҳ этиш учун ишлатиб келинган. Шоҳда ҳимоя воситалари қолмагач, унга «шоҳ» ва «мот» эълон қилинади. «Шахмат» терминининг келиб чиқиши ҳам бевосита шоҳнинг мот бўлиши билан боғлиқ.

ШАХМАТ СОАТИ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

XIX асрнинг ярмигача шахмат ўйини пайтида вақтни билиш учун қумли соатдан фойдаланишган. Кейинчалик Буюк Британияда механик шахмат соати пайдо бўлди. Бу янги шахмат соати биринчи марта 1883 йили Лондонда ўтказилган халқаро турнирда ишлатилган.

Анвар ИНОҚОВ.



Икки юришда мот.



Тўрт юришда мот.

Милиция ҳақида ҳикоялар

ҚАЛБДЕК ГЎЗАЛ ТОНГ

Мактабдан қайтган ўғлини мамнун қарши олган Мақсуда опани яна ўша эски, ўзига қадрдон бўлиб қолган ҳаёллар чулғади. «Наҳотки, боласи тушмагур шунчалик отасига тортсая. Унинг ҳар икки гапининг бирида «Мен ҳам отамдек милиционер бўламан, элимизнинг, юртимизнинг тинчлигини кўриқлайман» деб айтаётган гапларига яратган эгамнинг ўзи йўл очсая».

Мақсуда опанинг бунчалик ҳайратланишича бор. Ҳамидуллахон бу йил мактабни тамомлаяпти. Яқингинадаги эркин иншоларининг бирига «От изини той босар» деган сарлавҳа қўйибдию, дадажониси —милиция подполковниги, Бекобод туман Ички ишлар бўлимининг бошлиғи Иброҳим Сайдуллаев ҳақида бирам кифтини келтириб ёзибдики, уни ўқиб онажонисининг ўзи ҳам лолу ҳайрон қолди. Ахир аёл киши барибир аёлда. Ўзи билан бир ёстиққа бир умр бош қўйган азиз инсонни деб яшайди. Номини ҳамиша улуғ тутади. Элу юрт олдидаги хизматларидан доимо фахрланади.

Аммо Ҳамидуллахон отаси ҳақида хўп гапларни топиб айтганди: «Шу азиз Ватан, бепоён юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг тинчлиги учун кечани-кеча, кундузни-кундуз демай осойишталигимизни қўриқлаётган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган милиция ходимларининг меҳнатига чексиз меҳру муҳаббат билан қарайман ва улардек халққа, Ватанга содиқ инсон бўлиб, осойишталигимизни таъминлашга дарёдан томчи сингари бўлсада ҳисса қўша олсам ўзимни дунёдаги энг бахтли инсон деб ҳисоблайман».

Бола-болада! Аммо унинг қалби дарё. Орзуси — отасидек улуғ инсон бўлиш. Мақсуда опа билан Иброҳим акага Ҳамидуллахон ўғилларининг каттаси. Энг катта қизи Маҳфуза ҳамшира, шифокор. Дилфуза 9-синфни, Сайидаҳрорхон эса 6-синфни тамомлаяпти. Кенжатойи Дилноза янги ўқув йилидан мактабга боради. Мақсуда опа биладики, ўзи билан Иброҳим акаси учун дунёдаги энг тенгсиз бойлик ҳам шулар. Ахир ҳеч ким фарзандининг камолини кўришдан ҳам ўзга улуғ ниятни қилмайди. Бундай баҳтиёр, бетакрор онларга етишишни бир пайтлари Иброҳим аканинг отаси Ҳабибулло ака билан онаси Мақсадхон ая Сайдуллаевлар, холаси Ҳалимахон Набихонтўра қизи дил-дилидан истаган эдилар. Яъни, ёш Иброҳимнинг камоли учун дуолар айлашганди. Бугун ўша Иброҳим катта бир туманнинг милициясига раҳбар. Ўғли эса отасининг изидан бориб касбини эгалламоқчи.

Мақсуда опа шуларни хаёлидан ўтказар экан бирдан кўнгли ёришди. Яратган эгамдан дилбандига ҳам отасининг йўлини беришини сўраб, ҳаққига дуо қилди. Бу пайтда Иброҳим Сайдуллаев яна бир жиноятни очиш бўйича Бекобод шаҳрига катталарнинг тавсияси билан ёрдамга келган эди.

Шу ўринда бир оз чекиниш қиламиз. Иброҳим ака ҳақида нега бунчалик тўлибтошиб ёзилаяпти, дейишингиз мумкин. Ҳамма гап шундада. Энг аввало Иброҳим ака ўзининг бугунги камолига ёшлигидан меҳнати ила мустаҳкам пойдевор қўйган оддий инсон. Унинг ўзи билан суҳбатлашгунимизга қадар кўпчилик одамлардан Иброҳим ака ҳақида илиқ гапларни эшитдик. Бир куни Бўка тумани прокурори Ўктамжон Эргашев шундай деб қолди:

— Қани энди ҳамма одамлар ҳам Иброҳим акага ўхшаган бўлишса...

Табиатан оддий, аммо талабчан бу инсоннинг соҳамиз одамлари билан жуда яқин ҳамкорлик ўрнатганини айтмайсизми? Ўзидан ортториб биздан ташқари Бекобод, Ширин шаҳри, Ховос тумани прокурорларини, милицияси бошлиқларини тез-тез йўқлаб туради. Улар билан жиноятларни очиш бўйича бамаслаҳат иш олиб боради.

Биз ҳам шу илиқ фикрлар боис нияти улуғ бу инсонларнинг юртимиз тинчлиги, элимиз осойишталиги йўлида қилаётган ишлари билан қизиқдик. Ҳаммага маълумки, Бекобод тумани қўшни Тожикистон Республикаси билан туташ. Бу туфайли милициянинг гарданидаги юк оғирлашса оғирлашадики, асло енгиллашмайди. Подполковник Иброҳим Сайдуллаевнинг чегарадош туман Ички ишлар бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлаётганига бир йилдан ошди. Бунгача у Тошкент вилояти ИИБ Жиноят-қидирув бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган эди.

Бекободда шу қисқа давр ичида жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш бўйича қандай ишлар қилинди? Ютуқ ва муаммолар нималардан иборат? Бу ҳақда тўхталар экан Иброҳим Сайдуллаев қуйидагиларни алоҳида таъкидлади.

● Бекобод туманида ўтган йилнинг илк чорагида 54 та жиноят содир этилиб, унинг 46 таси очилган эди. Бу йил бу кўрсаткич 49 тани ташкил этди. Ўз навбатида бу жиноятларнинг 44 таси очилди.

● Бу йил босқинчилик, зўрлаш ёки ўзгаларнинг номусига тажовуз қилишдек жирканч жиноятларга умуман йўл қўйилмади.

● Бошқа МДҲ давлатларидан келиб туманнинг айрим худудларида ноқонуний тарзда ўрнашиб олиб ишлаётган 321 нафар фуқаро аниқланиб қонуний хулосалар билан Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексининг 225-моддасига асосан юртимиздан чиқариб юборилди.

Бекободда 50 га яқин маҳалла бор. Улар билан Ички ишлар ходимлари яқин алоқа ўрнатишган. Нега? Ахир инсоннинг иссиғи ҳам, совуғи ҳам шу ерда. Кимнинг қандай яшаётгани, қандай нафас олаётганини бу ерда ҳамма беш қўлдек кўриб, билиб туради. Иброҳим Сайдуллаев туман прокурори Абдусаттор Маҳмудов билан ҳамкорликда жамоат ташкилотлари вакилларини жамлаб шу муқаддас қўрғонга кириб боришди. Тинчлик ва осойишталикнинг замини бўлган маҳаллаларнинг бугунги беқиёс роли ҳақида, диний экстремизмнинг олдини олиш тўғрисида, ёшлар ва замон мавзуида ва бошқа кўплаб мавзуларда суҳбатлар ўтказишди, учрашувлар уюштиришди. Кейинчалик бу қизиқарли юзма-юз мулоқотлар мактабларга ҳам кўчди. Меҳнат жамоаларида бўлиб ўтди. Ёшларни, умуман кўп сонли аҳолини ҳар хил ёт кимсаларнинг зарарли таъсирига тушиб қолмасликка, ватан равнақи, юрт истиқболи йўлида ҳамжиҳат бўлишга чорловчи, огоҳликка даъват этувчи бу кенг қамровли тадбирларнинг ижобий самараси туман аҳолисининг меҳнат маромида, тинч ва осойишта ҳаётида кўриниб турибди.

Яқин-яқингинада ҳам Бекободда айрим милиция ходимлари бир-бирларининг устидан юқори ташкилотларга турли ариза ва шикоятларни йўллаб туришарди. Иброҳим Сайдуллаев ҳаммага бир хил назар билан қараб улардан фақатгина юклатилган вазифани талаб этабошлагач, «Уйнинг гапи кўчага чиқмайдиган», яъни, ҳеч ким бир-биридан нолимайдиган бўлиб қолди. Ҳамма ўз участкасида ўзига юклатилган вазифагагина жавоб берадиган бўлди.

— Раҳбаримизнинг узоқни кўра олиши ва зукколик билан иш юритгани боис мутахассисларимизнинг сифат таркиби яхшиланди, — дейди туман ИИБ бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, милиция капитани Илҳом Назаров. — Унгача бўш ўринларни тўлдириш ўткир муаммога айланганди. Иброҳим аканинг саъй-ҳаракатлари билан масала узил-кесил ҳал этилди. Тажрибали, ўткир билимли мутахассислар қўшни туманлардан жалб этилиб, бизда иш бошлашди.

Ҳақ гап: бошлиқ ишни қабул қилганида бу ерда 14 та бўш ўрин бор эди. ҳозир улар деярли иқтидорли, тажрибали милиция ходимлари билан тўлдирилган. Бекобод тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция майори Сайидали Тошматов, шахсий таркиб билан ишлаш бўйича бошлиқ ўринбосари, милиция капитани Илҳом Назаров, жиноят-қидирув бўлимининг катта тезкор вакили, милиция капитани Тоҳир Қорабоев сингари соҳасининг икир-чикиригача беш қўлдай биладиган сергайрат, талабчан ходимлар келиб қўшилишдики, бу фақат жамоага катта обрў-эътибор, шон-шуҳрат келтирмоқда. Уз навбатида бу ерда камол топган ходимларнинг кўпчилиги юқори вазифаларга «учирма» қилинаяпти.

— Милиция давлатимизнинг юраги бўлиб қолди, — дейди Иброҳим ака Сайдуллаев биз билан суҳбатда.

Зеро бу бор гап. Юрагнинг эса қуввати, мадорлари бўлади. Иброҳим Сайдуллаев сингари фидойи касб эгалари бор экан тинч ва осойишта юртимиз равнақ топиб, гуллаб яшнайверади...

Вақт ярим тундан оғди. Хориб-чарчаб яна бир оғир жиноятни фош этган тезкор гуруҳ вакиллари уй-уйларига тарқалдилар. Бу гал ҳам касбий маҳорат ва сергаклик иш берди. Бекобод шаҳар Ички ишлар бўлимининг бошлиғи бўлиб яқингинада иш бошлаган милиция майори Ғайрат Мадаминов билан ҳайрлашар экан Иброҳим ака ўзига қадрдон бўлиб қолган соатига қаради. Вақт 04.10ни кўрсатиб турарди. Иброҳим ака ушбу соат билан Бўкада ишлаб юрган кезлари кўрсатган алоҳида хизматлари учун мукофотланган эди. Шунга ҳам етти йилдан ошибди. Аммо соат эгаси каби хато қилмай аниқ-тиниқ ишламоқда.

Зум ўтмай бошлиқ ўтирган хизмат машинаси қоронғулик бағрини ёриб, Бекобод туманига йўл олди. У манзилга етиб келганида юлдуз тўла осмонга эндигина ёруғлик юриша бошлаган, яъни, яна бир гўзал тонг отаётган эди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Адолат» мухбири.

Ҳикмат

● Олимлардан Муҳаммад Бокир айтади:

— Олти кишидан олти нарсани сўраш ғалати туюлади: бойдан олтин сўраш, гўзалдан гул сўраш, тикувчидан игна сўраш, жангчидан қурол сўраш, дўстлардан қарз сўраш, очлардан нон сўраш ва душмандан мадад сўраш!

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 23 майдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сумга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 АҚШ доллари — 237 сўм 65 тийин.

Ҳикмат

САЬДИЙ:

● Мардлик билак кучида ва шамшир ўйнатиш санъатида эмас, мардлик ўзни тута билишда ва адолатли бўлишдадир.

Юлдузлар тилаги

(29 МАЙ – 4 ИЮНЬ)

КЎЙ (21.03–21.04)

Ҳафтанинг сешанба куни амалий битимлар тузиш учун қулай. Пайшанбада ҳушхабарлар эшитасиз. Дам олиш кунларини қилинмаган ишларга ва дам олишга бағишламоқ жоиз.

БУЗОҚ (23.04–20.05).

Навбатдаги ҳафта сиз учун кўп томонлама омадли ва хайрли келади. Ҳафта бошида иш фаолиятингиз қизғинлашади, бунинг самараси ўлароқ сешанбада моддий рағбатлантириласиз. Пайшанба куни ихтилофлар чиқишидан эҳтиёт бўлинг. Дам олиш куни ҳушхабарлар эшитасиз.

Яхши кун – чоршанба.

ЭГИЗАКЛАР (21.05–21.06)

Ҳафта сиз учун қулай келиши кутилмоқда. Кайфиятингиз, соғлигингиз аъло даражада бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида кўп ишларни қилиб улгурасиз. Шанбада моддий аҳволингиз яхшиланиб қолса ажаб эмас. Якшанбада маҳбуб ёки маҳбубангиз кўнглини овлашга ҳаракат қилинг.

КИСКИЧБАКА (23.06–22.07)

Ҳафта бошида соғлигингиз хусусида ўйлаб кўринг. Кейинги кунларда бизнесга тааллуқли ишларингиз бароридан келади. Шанбада хабарлар эшитасиз.

Яхши кун – жума.

Ноқулай кун якшанба.

АРСЛОН (23.07–23.08).

Душанба куни лақиллатиб кетишларидан эҳтиёт бўлинг. Сешанбада ўзингизни бироз лоҳас сезишингиз мумкин. Кейинги кунлар сизга ҳар жиҳатдан қувонч бағишлайди. Чоршанбадаги ишларингиз унумли бўлади. Пайшанбада эса пулингизга пул қўшилади. Дам олиш кунларида оила даврасида ҳордиқ чиқарасиз.

ПАРИЗОД (24.08 — 22.09).

Ҳафта бошларида моддий рағбатлантириласиз. Чоршанбада кўнгилга ёқадиган харидлар қиласиз. Дам олиш кунлари аъло кайфиятда бўласиз, чунки мириқиб дам оласиз.

Яхши кунлар — жума, якшанба.

ТАРОЗИ (23.09 — 22.10).

Ҳафта мобайнида турли янгиликлардан хабардор бўласи. Шу билан бирга мазкур ҳафтада унумли дам олишингиз имкони туғилади.

Яхши кун — жума.

ЧАЁН (23.10 — 22.11).

Ҳафта бошларидаги ишларингиз баракали бўлади ҳамда моддий аҳволингиз яхшиланади. Ҳафта ўрталарида бироз чарчоқ ва лақиллатишлар бўлиши эҳтимоли бор. Дам олиш кунлари бизнесга оид ишларингиз омад келтиради.

Ноқулай кун — сешанба.

ЎҚОТАР (23.11 — 21.12).

Ҳафта бошида бизнес амалиётларини амалга оширинг, бу наф келтиради. Ҳафта ўрталарида ҳар хил хабарлар тинглайсиз. Дам олиш кунлари табиат қўйнида мириқиб ҳордиқ чиқарганингиз маъқул.

Ноқулай кун — сешанба.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 19.01).

Ҳафта мобайнида ўзингизни у ёқ бу ёққа урманг. Имкони бўлса кўпроқ дам олинг, дам олиш кунларида бу имкониятдан фойдаланиб қолинг.

Яхши кун — душанба.

ҚОВҒА (20.01 — 18.02).

Келаётган ҳафта ҳар жиҳатдан сизга қулай. Ҳар қандай ишга қўл урсангиз, ўнгидан келади. Молиявий масалалардаги туғилажак имконлардан самарали фойдаланинг. Дам олиш кунлари хабарлар тинглайсиз.

Яхши кун — шанба.

БАЛИҚ (19.02 — 20.03).

Ҳафта бошларида можароларга дуч келишдан ҳазир бўлинг. Кейинги кунларда моддий аҳволингиз яхшиланади. Дам олиш кунлари кўнгилга ёқадиган харидлар қилинг ҳамда маҳбуб ва маҳбубангизни қувонтиринг.

Яхши кун — жума.

АДОЛАТ

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ, Акбархўжа РАҲИМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мурод КАЛОНХОНОВ, Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64.
Эълонлар бўлими: 136-55-96.

Навбатчи — Саъдиддин САЙДИСЛОМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 397, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Газета IBM компьютерида терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. Қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босмага топшириш вақти—20.00. Босмага топширилди 22.30.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.